БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 98 (1360)
20 МАЙ
ЧОРШАНБА
1959 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Афғонистон бош министри Муҳаммад Довуд Москвага келди

18 майда совет пойтахти СССР ҳукуматининг таклифи билан келган Афғонистон бош министри Сардор Муҳаммад Довуд Жаноб Олийларини зўр самимият ва ҳурсандчилик билан кутиб олди.

Н. С. Хрушчев, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов ўртоқлар, СССР Министрлари Е. Ф. Кожевников, Р. Я. Малиновский, СССР Давлат комитетларининг раислари С. А. Скачков ва А. Н. Шелепин ҳамда бошқалар Внуково аэродромига тўпландилар.

Қутиб олувчилар орасида Афғонистоннинг СССРдаги элчиси Абдулҳаким Шохалами, СССР билан иқтисодий музокаралар олиб бораётган Афғонистон ҳукумат делегациясининг аъзолари, чет эл дипломатлари, журналистлар ҳам бор эди.

Кутиб олувчилар самолётдан тушган дўст Афғонистон ҳукуматининг бошлиғини самимий табрикладилар.

Аэродромда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва Афғонистон Бош Министри Муҳаммад Довуд нутқ сўзладилар.

(ТАСС).

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг XII пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Шу йил 18—19 майда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди.

Пленум қуйидаги масалаларни эшитди ва муҳокама қилди:

1. 1959 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишининг бориши ҳақида—докладчи Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов.

2. Республика меҳнаткашлари ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларнинг аҳволи ва уни янада яхшилаш тадбирлари ҳақида — докладчи Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ З. Р. Раҳимбобоева.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленум ўртоқ Ё. С. Насриддиновани Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзоси қилиб сайлади.

Ўртоқ С. Н. Нуриддинов Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро аъзолигидан озод қилинди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пленуми

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВнинг „1959 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишининг бориши ҳақида" қилган докладидан

— Совет халқи, — дейди ўртоқ **Рашидов**, — КПСС XXI съездининг улуғвор режаларини амалга оширишга зўр ғайрат ва иштиёқ билан киришди. Бутун мамлакатда, корхона ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси авж олиб кетди. Ҳар бир ишчи ва колхозчи, ҳар бир меҳнаткаш коммунизм учун олиб борилаётган буюк умумхалқ курашида ўз ўрнини белгилаб олмоқда.

Совет халқи етти йилликнинг дастлабки йилига мисли кўрилмаган ижодий ғайрат билан қадам қўйди ва ҳозирнинг ўзидаёқ меҳнат соҳасида шонли ғалабаларга эришди. Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари ҳам ажойиб меҳнат ғалабаларини қўлга киритдилар. Республика саноати шу йилнинг тўрт ойлик планини 106 процент бажариб, пландан ташқари бир неча юз миллион сўмлик маҳсулот берди.

Бу йил чигит экиш энг яхши агротехника муддатларида анча уюшқоқлик билан ўтказилди. 15 майгача давлатга ўтган йил шу вақтлагига нисбатан 7300 тонна кўп гўшт, 6974 тонна кўп сут ва 7 миллион дона кўп тухум сотилди. Давлатга қоракўл тери сотиш юзасидан олинган мажбурият ҳамда тухум сотиш ярим йиллик плани муддатидан олдин бажарилди. Дастлабки якунлар шуни кўрсатадики, республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етти йилликнинг биринчи йили планини анча ошириб бажариш учун ҳамма имкониятларга эгадирлар.

КПСС Марказий Комитетининг саноат ва қурилишни ривожлантиришга доир энг муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун 1959 йил 24 июнда Марказий Комитет Пленумини чақириш тўғрисидаги қарори оммаснинг меҳнат соҳасидаги активлигини янада ошириб юборди. Совет кишилари КПСС Марказий Комитети партия XXI съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш учун нақадар изчиллик билан астойдил курашаётганлигини кўриб ва чуқур ҳис қилиб турибдилар. КПСС Марказий Комитетининг фаолияти ленинча раҳбарлик услубининг ажойиб намунаси бўлиб, бизни эришилган муваффақиятлар билан хотиржамланиб қолмасликка, ютуқларга мақлиб бўлиб кетмасликка, балки бу муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва кўпайтиришга ўргатмоқда.

— Ўзбекистон КП Марказий Комитети XI пленумининг ибрат бўларли сабоқларини унутиш ярамайди, — деб кўрсатиб ўтади ўртоқ Рашидов, — Марказий Комитет Бюросининг ва республика Министрлар Советининг ҳўжалик ҳамда маданий қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасидаги жиддий камчиликлари ва хатоларини очиб ташлашда КПСС Марказий Комитети бизларга кўмак берди. Марказий Комитет XI пленумининг қарорлари барча партия ташкилотларида якдиллик билан маъқулланди ва бу қарорлар танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдиришга, партия, совет ва хўжалик органларининг ишларидаги кўпгина нуқсонларни очиб ташлашга ёрдам берди, республика партия ташкилотининг ҳаётига ҳамда амалий фаолиятига янги руҳ бағишлади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети XI пленумидан кейин ўтган даврнинг ичида Марказий Комитет Бюроси ва республика Министрлар Совети ўз ишларини анча қайта қуриб олдилар.

Партия Марказий Комитети ва республика ҳукумати ҳозирги вақтда Марказий Комитет XI пленумининг қарорларини бажариш, КПСС XXI съезди томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур тадбирларни кўрмоқдалар. Пахтачиликни ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини комплекс механизациялаштиришни якин йилларда тугаллаш, машинада пахта теришни кенг йўлга қўйиш, барча колхоз ва совхозларда тўғри алмашлаб экишни жорий этиш ва ўзлаштириш, маккажўхори, оқжўхори ва беданинг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда бу экинларни кўпроқ экиш, ашлиқ сабзавот, картошка, қовун-тарвуз ва мева билан таъминлашни яхшилаш, умумий овқатланишни ҳамда меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатишни яхши йўлга қўйиш тадбирлари ва бошқа бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Министрлар Совети ҳозирги вақтда бутун эътиборни етти йиллик планни ва етти йилликнинг дастлабки йили бўлган 1959 йил топшириқларини муддатидан олдин бажариш юзасидан колхозлар ва совхозлар, корхоналар, қурилишлар олган юксак мажбуриятларнинг бажарилишига қаратмоқдалар.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил 3 миллион 50 минг тонна пахта етиштириш мажбуриятини олдилар. Бу йил гўшт етиштиришни (сўйилган ҳолда ҳисобланганда) ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича 155 минг тоннага етказиш, яъни 1958 йилда етиштирилганига нисбатан 22 минг тонна кўпайтириш зарур. Шу даврнинг ичида ҳамма категориядаги хўжаликлар бўйича сут етиштириш 770 минг тоннага, жун етиштириш 21,5 минг тоннага, пилла етиштириш 14300 тоннага етказилади. 1959 йилда колхоз ва совхозларда сабзавот етиштириш ўтган йилдагига нисбатан 400 минг тонна ёки 2,4 баравар кўпайтирилиши, картошка етиштириш 210 минг тонна ёки 2,8 баравар, қовун-тарвуз 345 минг тонна ёки уч баравар кўпайтирилиши керак. Мева ва узум етиштириш 200 минг тоннага етказилиши ёки ўтган йилдагига нисбатан 50 минг тонна кўпайтирилиши зарур.

Олинган мажбуриятлар енгил эмас, лекин мутлақо реал, фахрли ва сўзсиз бажарса бўладиган мажбуриятлардир.

☆ ☆ ☆ ☆

ларга ташкилий ва моддий-техника ёрдами кўрсатиш соҳасида кейинги йилларда айрим ишларни қилдилар. Аммо бу тадбирлар сира ҳам етарли эмас. Область ва район партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колоқ колхоз ва совхозлардаги ишларнинг аҳволини чуқур ўрганишлари, резервлар ва имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланишда бу колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига ёрдам беришлари керак, токи 1959 йилда республикада гектаридан 20 центнердан кам ҳосил оладиган биронта ҳам хўжалик бўлмасин.

Пахта етиштириш ва уни териб олишдаги ҳамма ишларни янги негизда — комплекс механизация негизида тамомила қайта қуриш, етти йилликда пахтачиликни ривожлантиришнинг энг муҳим хусусиятидир. Никита Сергеевич Хрушчев бундан бир неча кун муқаддам бўлган суҳбатда бизнинг эътиборимизни яна шу масалаларга каратди. У уқтириб ўтдики, Ўзбекистон партия ташкилоти қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг деҳқончиликдаги асосий вазифани — комплекс механизациялаштириш ҳамда меҳнатнинг индустриал методларига кўчиш негизида пахта етиштириш ва териб олишнинг янги прогрессив усулларини кенг қўлланиш йўли билан ҳосилдорликни узлуксиз ошириш ҳамда маҳсулот единицаси таннархини камайтириш вазифасини ҳал қилиш учун олиб бораётган курашига бошчилик қилмоғи керак.

Квадрат-уялаб экишнинг барча имкониятлари ва афзалликларидан тўлиқ фойдаланиш, ғўзани кетмонсиз парвариш қилиб, қўл меҳнати ўрнига механизмларни ишлатиш, пахтани қўлда теришдан машинада теришга узил-кесил кўчиш — пахтачиликни янада ривожлантиришга негиз бўладиган уч асосий таянч ана шулардир. Бу фақат иқтисодий жиҳатдан зўр аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, сиёсий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эгадир.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети республикамизга зарур ёрдами кун сайин бериб келмоқдалар. Бизга қўшимча равишда азотли ўғитлар ажратилмоқда. Совхозларнинг оборот маблағларидаги етишмовчиликни тўлдириш учун уларга зарур маблағ ҳамда чорва моллар сотиб олиш учун ссуда ажратиб бериш кўзда тутилмоқда, иқтисодий жиҳатдан заиф колхозларнинг қарзлари кечиб юборилди, уларга узоқ муддатли кредит берилади, республикага қўшимча равишда ер қазийдиган техника ажратилади, бу эса Марказий Фарғона ерларини ўзлаштириш ишларини муваффақиятлироқ олиб бориш имконини беради.

— Совет Ўзбекистонининг равнақи ҳақида доимо оталарча кўрсатаётган ғамхўрликлари учун, — дейди ўртоқ Рашидов, — сизларнинг номингиздан, бутун партия ташкилотимиз, бутун ўзбек халқи номидан КПСС Марказий Комитетига, жонажон Совет ҳукуматига ва шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевга қизғин миннатдорчилик изҳор этишга рухсат бергайсиз. (**Қарсаклар**).

Докладчи кўкламги экишнинг якунлари ҳақида гапириб айтдики, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мўл ҳосил учун курашнинг биринчи даврини муваффақиятли тугалладилар, республикадаги кўпчилик колхоз ва совхозлар кўклам кеч бошланганлигига қарамай, чигит экишни анча барвақт, қисқа муддатларда уюшқоқлик билан сифатли ўтказдилар, бунинг натижасида чигит ўз вақтида бир текис ва соғлом униб чиқди. 15 майгача 88 процент майдондаги чигитнинг униб чиққанлиги ҳамма жойда қатор ораларини ишлашни, букетларни ростлашни ва яганалашни кучайтириб юбориш имконини берди. Шуниси қувончлики, кўпгина областлар, кўпчилик районлар, колхоз ва совхозлар квадрат-уялаб чигит экиш ҳақида олган мажбуриятларини муваффақиятли адо этдилар. Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм ва Наманган областларида режа сими тортиб чигит экиш планини анча ортиғи билан бажардилар. Фарғона, Наманган, Андижон ва Қашқадарё областларида бутун пахта майдонининг 60—65 процентига режа сими тортиб чигит экилди.

Ленин районининг колхозлари бутун пахта майдонининг 96 процентига, Ўйчи районининг колхозлари 88 процентига, Чироқчи районининг колхозлари 85 процентига ва Ворин районининг колхозлари 81 процентига квадрат-уялаб чигит экдилар. 1-«Боёвут», 3-«Боёвут», «Ўзбекистон ССР бешиллиги» совхозлари, колхоз ва совхозларнинг кўпгина комплекс-механизациялаш бригадалари пахта ерларининг ҳаммасига квадрат-уялаб чигит экдилар.

Умуман республика бўйича 700 минг гектар ерга квадрат-уялаб чигит экиш ҳақида олинган мажбурият бажарилди. 1958 йилдагига нисбатан 200 минг гектар кўп ерга ана шу прогрессив усулда чигит экилди. Яхши, аниқ квадратлар ҳосил қилинди.

Афсуски, барча район, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари квадрат-уялаб экиш ҳақида олинган мажбуриятни бажариш учун курашда қунт билан ишладилар, деб бўлмайди. Самарқанд областининг колхоз ва совхозлари (область партия комитетининг секретари ўртоқ О. Маҳмудов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Азимов, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдуқодиров, совхозлар трестининг директори ўртоқ Каримов) режа сими тортиб чигит экиш планини фақат 62 процент бажардилар. Сиردарё райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Каримов), Денов райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳайдаров), Сариосиё райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ Отарбоев) ва бошқа бир қанча районлар режа сими тортиб экиш планини анча кам бажардилар.

Бу фактлар шундан далолат берадики, айрим раҳбарлар қолоқликка, турғунликка ва ўжарликка хотима беришни истамаётирлар, янги прогрессив усулларни жорий этишнинг аҳамияти ҳақида кўпинча нутқ сўзлаш билангина чегараланиб қолмоқдалар.

Гарчи чигит экиш юзасидан белгиланган план республикада бажарилган бўлса ҳам, Хоразм, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССР чигит экишни кечиктириб юбордилар. Бунинг устига айрим район ва колхозларда қабул қилинган планга нисбатан чигит кам экилдики, бу мутлақо нотўғри бир ишдир.

Илғор хўжаликларнинг ва пахтачиликда донг чиқарган ҳосил ураларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, экишни тугаллаш жараёнидаёқ ғўза парваришини кучайтириб юбориш, ғўза тупларининг зарур қалинликда бўлиши ва ҳар гектарнинг тўла бўлиши учун астойдил кураш олиб бориш, ҳар қайси айрим участкада вужудга келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда ғўзани парвариш қилиш соҳасидаги табақалаштирилган агротехника тадбирларини ўз вақтида сифатли амалга ошириш — пахтадан юқори ҳосил олишнинг энг муҳим омилидир. Ана шу қимматли тажрибадан етарли даражада фойдаланилмаганлиги, экиш тамом бўлгандан кейин зararли дам олишга йўл қўйилганлиги ўтган йилларда кўп колхозлар, совхозлар ва бригадаларнинг жиддий хатоси бўлди. Бироқ, бу хато баъзи жойларда бу йил ҳам такрорланмоқда. Биз қатор ораларини биринчи ишлашда ва ғўзани озиқлантиришда анча орқада қолдик. Пахта далаларида ишни сира ҳам кечиктирмасдан кучайтириб юбориш ва жуда якин кунлар ичида ғўзанинг биринчи комплекс парваришини тугаллаш, ҳар бир гектарнинг тўла бўлишига ва ҳар қайси участкада тупларнинг қалинлиги зарур миқдорда бўлишига эришиш керак.

Республика колхоз ва совхозлари бу йил камида 1 миллион 166 минг гектар ердаги ғўзани икки томонлама ишлашни планлаштирганлар. Бу — ғўзани квадрат шаклида уялаб парвариш қилиш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ҳамда жуда оз меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда юқори ҳосил олишнинг энг муҳим шартидир. Ҳар бир колхоз, совхоз ва бригадада ғўзани квадрат-уялаб жойлаштириш юзасидан белгиланган топшириқни якин кунларда сўзсиз бажариш бизнинг энг зарур вазифамиздир.

Суғоришни ўз вақтида ва тўғри ўтказиш, эгат оралатиб суғориш усулини кенг қўлланиш, ғўза парваришини суғориш билан моҳирона боғлаб олиб бориш бу йилги шароитда жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ғўзани маҳаллий ва минерал ўғит билан озиқлантириш соҳасидаги ҳамма ишларни барвақт — кечи билан 15—20 июлда тугаллаш, область, район, колхоз ва совхознинг шароитига қараб озиқлантириш муддатларини қатъиян табақалаштириб белгилаш зарур. Ҳосилни қишлоқ хўжалик заракунандаларидан ҳимоя қилиш соҳасидаги барча зарур тадбирларни ўз вақтида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Илғор хўжаликлар экинларни меркаптофоснинг кичик дозалари билан дастлабки озиқлантиришдек янги, прогрессив усулни кенг қўлланмоқдалар. Бу тажрибани ҳамма жойда жорий қилиш керак.

Биз мавжуд техникадан, сув ресурсларидан, ўғит ва заҳарли химикатлардан тўғри фойдаланиб, пахтачиликдаги ишларни шундай уюштирмоғимиз керакки, бунинг натижасида ғўза май ойининг охирида ёппасига шоналасин, июнь ойининг охири ва июль ойининг бошларида ҳамма жойда гулга кирсин ва ниҳоят 1 августга бориб, ҳар туп ғўзада ўрта ҳисобда 6—7 талан бўлуқ кўсак бўлсин. Бу йилнинг шароитида бу вазифани бемалол бажариш мумкин.

Ўзбекистон пахтакорлари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг пахтачилик юзасидан Бутуниттифоқ кенгашидаги нутқида баён қилинган кўрсатмаларга амал қилиб, бу йил камида 500 минг гектар ердаги ғўзани кетмонсиз парвариш қилиш вазифасини олдилар. 1958 йилда 300 минг гектар ердаги ғўзани кетмонсиз парвариш қилиш мажбурияти олинган бўлса ҳам, бу мажбурият бажарилмади, кўпгина маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари бу муҳим ишга бошчилик қилмадилар. Ваҳоланки, ўтган йили ғўзани кетмонсиз парвариш қилиш усулини кенг қўллаган Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхозининг, Ленин районидаги «Коммунизм» колхозининг, Тошлоқ районидаги колхозларининг, кўпгина совхозлар ҳамда трактор-далачилик бригадаларининг тажрибаси бу тадбир ғоят прогрессив эканлигини, қўл меҳнатини кескин камайтирган ҳолда юқори ҳосил олишга имкон беришини яна бир марта исботлади. Вазифа — кетмонни оғизда эмас, амалда суриб чиқаришдан, қатор ораларини культивация қилишда кетмон ишини машина ёрдами билан бажарган илғор механизаторларнинг тажрибасини кенг ёйишдан иборатдир.

— Машинада пахта териш, — деб давом қилади докладчи, — комплекс механизациялаштиришда асосий звено ҳисобланади. Ҳозирги кунда пахта териш машиналарининг аҳамиятига етарли баҳо берилмади, пахтани механизмлар билан териб олиш планлари муттасил бажарилмай келди. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Ҳукумати ҳам, Қишлоқ хўжалик министрлиги ҳам, область ва районларнинг партия, совет ташкилотлари ҳам колхоз ва совхозларнинг раҳбарларидан машинада пахта териш планини бажаришларини талаб қилмадилар. Пахта териш машиналаридан тўлиқ фойдаланиш ўрнига ҳар йили сира асоссиз равишда шаҳарлардан талайгина миқдордаги ишчилар, хизматчилар ва ўқувчи ёшлар пахта теримига жалб этиб келинди. Бунинг оқибатида давлат маблағлари кўплаб сарф бўлиб кетди, хўжасизлик вужудга келди, пахта таннархи анча ошиб кетди, давлатга ва колхозларга зарар етди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети апрел ойининг бошларида «Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг 1959 йилда пахта теришни машиналаштириш ишини тубдан яхшилаш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Марказий Комитетнинг, область партия комитетларининг аъзолари, Советларнинг депутатлари раҳбарлик қилаётган кўпгина колхоз ва совхозларнинг аъзолари бу қарорни муҳокама қилиб, ўз вазифаларини тўғри тушуниб олдилар, шу йилнинг ўзидаёқ ҳосилнинг талайгина қисмини машинада териб олишни планлаштирдилар ҳамда шунга яраша зарур тайёргарлик кўрмоқдалар.

Кадрларни, техникани ва далаларни теримга тайёрлашга фақат терим олдидангина киришилганлиги ўтган йилларда теримни машиналаштиришдаги жиддий хато бўлди, бу билан ғўзани машинада териш талабларига ҳамда пахта териш машиналаридан ғоят самарали фойдаланишга мослаб тўғри ўстиришнинг ҳал қилувчи аҳамиятига етарли баҳо берилмади.

Бироқ, текширишда аниқланишича, бир қанча жойларда машина теримига тайёргарлик ишида ўтган йилги йўл қўйилган хатолар бу йил ҳам такрорланмоқда. Шўрчи, Навоий, Жиззах, Қува, Олтиариқ районларининг колхозларида, «Когон», «Даҳбид» совхозларида, Фарғона области ва Қорақалпоғистон АССРнинг кўпчилик совхозларида шу чоққача машина терими учун участкалар ажратилмаган, машина терими талабларига жавоб берадиган агротехника тадбирлари табақалаштириб ишлаб чиқилмаган ва амалга оширилмаётир, пахта териш техникасини тайёрлашга киришилмаган, механик-ҳайдовчилар ўқитилмаётир. Афтидан баъзи бир раҳбарларимиз машинада пахта теришга тайёргарлик кўриш соҳасидаги тадбирларни бажармаганлигимиз учун жавобгарликка тортилмаймиз, ўтган йилларда ҳам шундай бўлган эди-ку, деб ўйлаб, теримни машиналаштириш аҳамиятига ҳамон етарли баҳо бермаётганга ўхшайдилар. Бундай яроқсиз иш услубини қоралаш керак.

Машинада пахта териш планининг бажарилиши кўп жиҳатдан «Ташсельмаш» заводининг муваффақиятли ишлашига боғлиқ. Бу завод йил охиригача 1350 та пахта териш машинаси тайёрлаб бериши керак, шундан 700—750 тасини терим мавсумигача тайёр қилиши лозим. Бироқ, Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши, шаҳар партия комитети ва завод раҳбарларининг айби билан пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш кечиктириб юборилмоқда. «Ташсельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва конструкторларининг шонли коллективи теримнинг бошланишигача

(Давоми иккинчи бетда)

1959 йилда мамлакатга 3 миллион 50 минг тонна пахта бериш— энг муҳим вазифа

Ўртоқ Рашидов пахтачиликни юксалтириш вазифаларига тўхталиб, 1959 йилда мамлакатга 3 миллион 50 минг тонна пахта беришни таъминлаш — Ўзбекистон партия ташкилотининг энг муҳим вазифасидир, — деб таъкиллайди. Йилдан-йилга тобора кўп пахта етиштириш — ўзбек халкининг кўп миллатли социалистик Ватанимиз барча қардош халқлари олдидаги ватанпарварлик бурчидир. КПСС XXI съезди қарорларида Ўзбекистон ССР бундан буён ҳам мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб қолади, деб кўрсатиб ўтилади. Бу — республика партия ташкилоти зиммасига пахта етиштиришни тобора кўпайтира бориш учун мавжуд имкониятлардан моҳирлик билан фойдаланишда ғоят катта масъулият юклайди.

Ҳар йили катта майдонларда гектаридан 30—35—40 центнер ва ундан ҳам ошириб пахта ҳосили олаётган колхозлар, совхозлар ва районлар республикада кўплаб саналади. Шу билан бирга паст ҳосил олиб келаётган колхозлар, совхозлар ва районлар бизда ҳали оз эмас.

Партия ва совет ташкилотлари қолоқ хўжаликларни кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳамда бу хўжаликларга ташкилий ва моддий-техника ёрдами кўрсатиш соҳасида кейинги йилларда айрим ишларни қилдилар. Аммо бу тадбирлар сира ҳам етарли эмас. Область ва район партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колоқ колхоз ва совхозлардаги ишларнинг аҳволини чуқур ўрганишлари, резервлар ва имкониятлардан тўлиқроқ фойдаланишда бу колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига ёрдам беришлари керак, токи 1959 йилда республикада гектаридан 20 центнердан кам ҳосил оладиган биронта ҳам хўжалик бўлмасин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети КПСС Марказий Комитети Пленумини муносиб кутиб олиш учун республикада меҳнаткашлар бошлаган ватанпарварлик ҳаракатига ғоят катта аҳамият бериб, «Таштрансмаш», «Таштекстильмаш», «Ташкенткабель» заводлари, Тошкент тўқимачилик комбинати, 1-пойафзал фабрикаси, Самарқанд консерва заводи, Хўжайли ва Хонқа пахта тозалаш заводлари ҳамда КПСС Марказий Комитети Пленуми шарафига маҳсулот чиқариш ярим йиллик планини ва ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ҳамда автоматлаштириш, илғор технологияни жорий этиш юзасидан йилнинг биринчи ярмига белгиланган топшириқларни муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олган бошқа корхоналар коллективларининг ташаббусини маъқуллади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар ва бошқармалар зиммасига социалистик мусобақани кенг авж олдираётган илғор корхоналар ташаббусини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш ва ярим йиллик ишлаб чиқариш планини ва янги техника ҳамда илғор технологиянк жорий этиш топшириқларини барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари бажариш юзасидан олган мажбуриятларини сўзсиз бажаришларида саноат корхоналари ва қурилишларнинг коллективларига амалий ёрдам кўрсатиш вазифасини юклади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети халқ хўжалиги кенгашларининг ярим йиллик халқ хўжалик планларини ва иқтисодий-маъмурий районларда янги техникани жорий этиш топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан белгилаётган тадбирларини маъқуллади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, республика Министрлар Советининг Илмий-техника комитети ҳамда Қурилиш ва архитектура комитетига саноат корхоналари ва қурилишларда янги техника, илғор технологияни жорий этишда халқ хўжалиги кенгашларига ёрдам бериш топширилди.

Маъмурий-иқтисодий районларда техникани янада тараққий эттириш юзасидан илмий-техника конференциялари ва тармоқлар бўйича кенгашлар ўтказиш, шунингдек саноат ва қурилиш соҳалари бўйича циклли лекциялар уюштириш зарур деб топилди.

УЗБЕКИСТОН ССР БЕШИНЧИ ЧАҚИРИҚ ОЛИЙ СОВЕТИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Узбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессияси бугун, 20 май эрталаб соат 10 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пленуми

(Боши биринчи бетда)

колхоз ва совхозларга белгиланган миқдорда мукаммал пахта териш машиналари етказиб беради ва бу билан пахтани машинада териш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб умид қиламиз.

1959 йилни пахта териш техникасидан кенг фойдаланишда бурилиш йили қилиш, машиналардан яхши фойдаланиш, камида 300 минг тонна пахтани машинада териб олиш бутун партия ташкилотимизнинг, ҳар бир коммунистнинг фахрли ва масъулиятли вазифасидир.

Докладчи пахтачилик учун янги, мукаммалроқ техника яратиш ва жорий этишнинг, чигит экишни ягона қилишга эҳтиёж қолдирмасдан оз-оз экадиган янги прогрессив усулларини топиш ва жорий этиш, бегана ўтларга қарши курашда гербицитдан фойдаланиш ва пахта етиштиришда кўл меҳнатини мумкин қадар кўпроқ сиқиб чиқариш имконини берадиган бошқа усулларни жорий этишнинг муҳимлигини кўрсатади.

Комплекс механизациялаштириш илғорларининг, трактор-далачилик бригадаларининг ажойиб ҳаракати ҳар тарафлама қўллаб қувватлашга сазовордир. Ҳозирги вақтда 400 минг гектардан ортиқ пахта майдонига эга бўлган салкам 5 мингта трактор-далачилик бригадаси бор. Деярли ҳар бир районда комплекс механизациялаштирилган бригадалар яхши ишлаётганлиги тўғрисида мисол келтириш мумкин. Шу билан бирга камчиликлар тўғрисида гапирмасдан бўлмайди. Бу бригаталарнинг кўплари расмият учун тузилиб, сводкаларгина кўринади, аслини олганда бир қанча жойларда бу бригадаларнинг қилаётган иши оддий далачилик бригадаларининг ишидан сира фарқ қилмайди. Комплекс механизациялаштирилган бригадаларга кўп одам биркитилган, зарур миқдорда техника берилмаётир, бу бригадаларнинг нормал ишлаши учун тегишли шароит яратилмаган, камчиликларни битиришда ёрдам берилмаётир. Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг маҳаллий органлари, кўпгина партия ташкилотлари комплекс механизациялаштирилган бригадаларнинг ишини яхши билиб олганлари йўқ. Бундай аҳволни тузатиш керак. Комплекс механизациялаштирилган бригадалар пахтачиликнинг келажагидир, улар доимо партия ташкилотларининг диққат марказида турмоғи лозим.

Маълумки, пахта-беда алмашлаб экиш муттасил юқори ҳосил олишда катта роль ўйнайди. Лекин бу ишга ҳали ҳам етарли баҳо берилмаётир. Кўпгина область ва район партия комитетлари беданинг анча кам экилишига йўл қўйдилар. Республикада энг йирик — Тўрақўрғон районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Мирзаахмедов бошчилик қилаётган «Ўзбекистон» колхози беда экиш планини атиги 45 процент бажарди, Олтинкўл районидаги «Янги турмуш» колхози эса бирон гектар ҳам беда эккани йўқ. Фақат Бухоро область совхозларигина беда экиш планини тўла бажарди. Партия ташкилотлари алмашлаб экишни жорий қилиш ва ўзлаштиришга бошчилик қилмоқлари керак. Баҳорда 20 минг гектар ерга беда кам экилди. Вазифа — кузда бунинг ўрнини тўлдиришдан, оқжўхори, маккажўхори ва ғўза ораларига беда экишдан иборатдир.

Жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирайлик

Докладчи жамоат чорвачилигини ривожлантириш, мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифаларга тўхталади. У Мирзачўл районидаги Сталин номли колхоз аъзоларининг ватанпарварлик ташаббуси ҳақида гапиради. Сталин номли колхоз аъзолари етти йилликда пахта етиштиришни кўпайтириш билан бир қаторда гўшт етиштиришни 2,8 баравар, сут етиштиришни 11 баравар, тухум етиштиришни 6,7 баравар, йирик қора молларни урчитиб кўпайтириш ва қисман ихтиёрий равишда колхозчилардан сигир сотиб олиш йўли билан 3 баравар, шу жумладан сигирларни 4 баравар кўпайтиришни планлаштирдилар.

Республика колхоз ва совхозларида қўйлар қўзилаб бўлди. Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва бошқа областларнинг кўпгина илғор чорвадорлари қўзи олиш ва уни сақлаб қолишда юксак кўрсаткичларга эришдилар. Бухоро областидаги «Копимех» совхозининг чўпонлари Маскеев, Бузовов, Есенбоев; Самарқанд областидаги Ленин номли совхоз чўпонлари Холбоев, Наримов, «Ленинчи чорвадор» колхозининг чўпони Буматов, Томди районидаги «Оқтов» колхозининг чўпонлари Жўрабоев, Қўстемиров, Сталин номли колхоз чўпони Шамгулбековлар бу йил ҳар 100 совлиқдан 135—145 ва ундан кўпроқ қўзи олдилар. Олтиариқ, Охунбобоев, Фарғона ва Каттақўрғон районлари қут етиштиришни ўтган йилдагига нисбатан 1,5—2 баравар кўпайтириб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Лекин чорвачиликни ривожлантириш учун мавжуд катта имкониятлардан яхши фойдаланилмаётир. 1958 йил якунлари чорва моллар туёғини кўпайтиришнинг ҳамда чорвачилик маҳсулотларини ошириш-нинг кўзга ташланиб турган резервлари ишга солинмаганлигини кўрсатмоқда.

Ўрта Чирчиқ, Қува, Поп, Пахтаобод, Пойариқ, Ғиждувон, Шаҳрисабз, Денов, Ўрганч, Хўжайли районларида ва шу сингари бошқа районларда сигирлар сони жуда секин кўпаяётганлиги ҳатто камайиб кетганлиги катта камчиликлардан биридир. Шу сабабли колхоз ва совхозларнинг қора мол подаларида сигирлар жуда кам. Чорва қишлови яхши уюштирилмаганлиги натижасида колхоз ва совхозларда анчагина мол нобуд бўлди.

Гарчи тўрт ой мобайнида республика колхоз ва совхозларида сут етиштириш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан бирмунча кўпайган бўлса ҳам, сутчиликнинг ривожланиш суръати ҳали жуда паст. Қашқадарё ва Сурхондарё областларида ҳамда бошқа областлардаги айрим районларда сут етиштириш камайириб юборилди.

Чорва маҳсулотлари етиштириш плани қониқарсиз бажарилганлиги натижасида бу маҳсулотларни давлатга сотиш кўнгилдагидек бормаётир. 15 майгача гўшт тайёрлаш ярим йиллик плани атиги 77 процент, сут тайёрлаш 67 процент, жун тайёрлаш 33 процент бажарилди. Самарқанд области ва Қорақалпоғистон АССР гўшт, сут ва жун тайёрлашда, Бухоро области гўшт тайёрлашда жуда орқада қолмоқда.

Республиканинг кўпгина районларида чорвачилик орқада қолаётганлигига сабаб шуки, маккажўхори, оқжўхори ва беда етиштиришда катта-катта камчиликлар бор. Ҳолбуки бу экинлар озуқа базасини вужудга келтиришда жуда муҳим роль ўйнайди.

Бу йил кўп механизаторлар агрономлар билан ҳамкорликда машҳур механизаторлардан Гиталов ва Мануковсийлар методи асосида маккажўхори ва оқжўхоридан юқори ҳосил олиш, бу экинларни парвариш қилишни комплекс механизациялаштириш учун курашга қўшилдилар.

Шофрикон районидаги Сталин номли колхозда Ўртоқ Мўминов бошлиқ ёшларнинг жўхорикорлик бригадаси ва Шеробод районидаги Сталин номли колхозда жўхорини комплекс механизация ёрдамида етиштираётган Рўзимуродов бошлиқ бригада гоят яхши натижаларга эришди. Ўртоқ Мўминов бригадаси ҳар гектар ердан 1000 центнер кўк поя олиш учун курашмоқда. Ўртоқ Рўзимуродов бригадаси ҳар гектар ердан 50 центнердан дон ва 600 центнердан думбул сўтали поя етиштириш мажбуриятини олган. Бу эса тобора кўп миқдорда арзон гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштириш имкониятини беради.

Бу йил республикада 209 минг гектар ерга маккажўхори ва оқжўхори экилиши керак. Аммо маккажўхори ва оқжўхори экиш кечиктирилмоқда, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм области колхоз ва совхозлари айниқса орқада қолмоқда.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари маккажўхори ва оқжўхори экишни яқин вақт ичида тугаллаш, квадрат-уялаб экиш планини бажариш, экинларни механизмлар билан букетлаш, яганалаш, сифатли парвариш қилиш, суғориш, минерал ва маҳаллий ўғит билан озиқлантириш ва шу йўл билан силос бостириш юзасидан колхоз ва совхозлар қабул қилган планни анча ортиғи билан бажариш, чорва моллари юқори сифатли озуқа билан мўл-кўл таъминлаш учун қўшимча тадбирлар кўришлари керак.

Бу йил кўпгина колхоз ва совхозлар катта майдонларга бедага маккажўхори ёки оқжўхори қўшиб экмоқдалар. Ана шу экинларнинг тегишинча парвариш қилинишини таъминлаш зарур. Бу йил ҳамма областларда беданн 4—5 марта ўриб олиш имконияти бор.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш юзасидан олинган мажбуриятларни бажариш учун чўчқачиликни, парандачиликни, қўйчиликни кенг кўламда ривожлантиришда колхоз ва совхозларга ёрдам беришлари лозим. Йирик ўрдак фермалари ташкил қилган Қорақалпоғистон АССР ва Бухоро областлари маталубот кооперацияларининг қимматли ташаббусини қайд қилиб ўтиш зарур. Хоразм областида ҳам ана шундай фермалар ташкил қилинди. Ўрдак боқиш учун кўл, ҳовуз ва бошқа шароити бўлган барча областларда, районларда, колхоз ва совхозларда бундай фермаларни ташкил этиш зарур. Чорва моллари етилтириб боқиш ва бўрдоқи қилиб семиртириш гўшт ресурсларини кўпайтиришнинг муҳим манбаидир. Шунга қарамай, республикада бу муҳим ишга эътибор берилмаётир.

Ҳар қандай ишда бўлгани каби чорвачиликда ҳам ишнинг муваффақиятини кадрлар ҳал қилади. Шу сабабли партия ташкилотлари чорвадорларга кўпроқ эътибор беришлари, уларга кун сайин ғамхўрлик қилишлари, турмушда ва ишда яхши шароит яратиб беришлари, фермаларда ишлаш учун коммунистлар билан комсомолларни кўпроқ юборишлари керак.

* * *

Бу йил республика давлатга камида 14300 тонна пилла сотиши лозим. Бироқ, кўп районларда пиллачиликнинг аҳволи жиддий ташвиш солмоқда. Май ойининг бошида хаво салқин бўлиши кўп колхозлар ва совхозлар қурт боқишга тайёргарлик кўришда масъулиятсизликка йўл қўйганлигини кўрсатди.

Аммо бизда кўпгина пиллачилар борки, улар бу йил қуртни жадал усулда боқиб, пилладан юқори ҳосил олдилар.

Оққўрғон районидаги Сталин номли колхознинг аъзоси Нусрат Ашаев қурт боқишни 20 кунда тамомлади ва ҳар қути қурт уругидан 120 килограммдан пилла ҳосили олди. Шу колхознинг аъзоларидан Ҳайри Бердиқулова ва Марҳамат Ҳайтўраевалар ҳам мўл пилла ҳосили олдилар. Косон районидаги Хрушчев номли совхоз ишчиси Бодомхон Ўразбоева ҳар қути қурт уругидан 115 килограммдан, Денов районидаги Сталин номли колхоз аъзоси Аъло Назарова ҳар қути қурт уругидан 110 килограммдан, Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхозининг аъзоси Бобоева 100 килограммдан пилла ҳосили олдилар. Вазифа — жадал усулда қурт боқишни республикадаги барча колхоз ва совхозларда кенг жорий этишдан иборатдир. Бу, пилладан юқори ҳосил олиш ҳамда баҳорги қурт тутиш юзасидан қабул қилинган мажбуриятни муваффақиятли бажариш имконини беради.

* * *

Докладчи сабзавот, қовун-тарвуз ва картошка етиштиришни кўпайтириш юзасидан область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари ишлаб чиққан ва Марказий Комитет ҳамда ҳукумат маъқуллаган тадбирлар қониқарсиз бажарилаётганини таъкидлайди. Сабзавот, қовун-тарвуз ва картошка экишни жуда қисқа вақт ичида тугаллаш, бу экинларни механизмлар билан парвариш қилишни кенг йўлга қўйиш, ҳосилдорликни кескин ошириш зарур.

Ҳар бир район, колхоз ва совхозда картошка, сабзавот ва қовун-тарвуздан юқори ҳосил етиштириш, аҳолини бу маҳсулотлар билан етарли таъминлаш — партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

* * *

Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш қишлоқ хўжалигини юксалтиришда гоят муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда колхоз ва совхозларда хўжалик ҳисоби жорий қилинмоқда, 200 колхоз меҳнат куни ёзмасдан бевосита пул билан ҳақ тўлашга ўтди. Бундай колхозларда маҳсулот етиштириш кескин кўпайди, маҳсулот единицасига меҳнат ва материал-пул сарфлари тежаб қолинди, колхозчиларнинг ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдорлиги ошди. Шу билан бирга кўпгина колхоз ва совхозларда талай миқдордаги меҳнат ҳали ҳам беунум ишларга сарфланмоқда, бунинг орқасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархи юқори бўлмоқда.

Партия ва совет ташкилотлари барча колхоз ва совхозларда ички хўжалик ҳисобини дадил жорий қилишлари ҳамда меҳнат куни ёзмасдан тўғридан-тўғри ҳақ тўлашни йўлга қўйишлари керак.

Қишлоқ хўжалик артели Уставига риоя қилиш масалалари ҳам партия ташкилотларининг доимо диққат марказида туриши лозим.

* * *

Кейинги йилларда республикада совхозлар анча ривожланди. Совхозларга раҳбарлик қилиш даражасини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Совхозларнинг жуда катта имкониятларидан хўжаликни юксалтириш учун мутлақо қониқарсиз фойдаланилмоқда. Совхозлар ўтган қишлоқ хўжалик йилини бир неча юз миллион сўм зарар кўриш билан якунладилар. Қишлоқ хўжалик министрлиги ва совхозлар трестларининг, шунингдек область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетларининг раҳбарлари бундай аҳвол учун жиддий равишда жавоб беришлари керак.

Партия ташкилотларининг вазифаси — совхозлар олган мажбуриятларни муваффақиятли бажаришда уларнинг коллективларига ёрдам бериш, совхозларни зарар кўрмай ишлайдиган илғор, намунали хўжаликларга айлантириш, совхоз ишлаб чиқаришининг экономикасини чуқур ўрганиш, совхозларга ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилишдан иборатдир.

* * *

Докладчи ишлаб чиқаришни ривожлантиришни планлаштириш соҳасида бир қанча жойларда йўл қўйилган жиддий хатолар ҳақида гапириб айтадики, область ва район партия комитетлари барча хўжаликларда перспектив планлаштириш қай аҳволда эканлигини текшириб кўришлари, ишлаб чиқаришнинг камайтирилишига йўл қўймасликлари, етти йиллик планларни тўғри тузишда колхоз ва совхозларга ёрдам беришлари ва ҳар қайси хўжаликнинг имкониятларини ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтиришни кўзда тутишлари зарур.

Ўртоқ Рашидов қишлоқ хўжалик мутахассисларининг роли ва масъулиятини ошириш муҳимлигига эътиборни жалб этади.

Кейинги йилларда республика колхоз ва совхозларига олий ва ўрта маълумотли минглаб агрономлар, механизаторлар, зоотехниклар келди. Эндиликда бевосита қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ишлаётган бундай мутахассислар ўн минг кишидан ошди.

Бироқ, мутахассисларнинг ҳаммаси ҳам юқори ҳосил учун, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш учун курашнинг ташкилотчиси бўлиб чиқаётир, деб бўлмайди. Кўп ҳолларда мутахассисларнинг роли камситиб қўйилмоқда.

Район қишлоқ хўжалик инспекцияларида ишлаётган агрономлар, зоотехниклар ва бошқа мутахассислар кўпинча район партия комитетлари ва райижрокомлар учун турли-туман сводкалар, докладлар, қарорлар тузиш билан банд бўлмоқдалар.

Партия ва совет ташкилотлари, даставвал район партия комитетлари секретарларининг ўзлари мутахассисларнинг ишини моҳирлик билан йўлга солиб туришлари, қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда мутахассисларнинг роли ва обрўсини кўтаришлари керак. Барча мутахассисларга, айниқса ёшларга ҳартарафлама эътибор ва ғамхўрлик қилиш, уларга маиший шароит яратиб бериш, амалий фаолиятларида, ишда мустаҳкам ўрнашиб олишларида кўмаклашиш зарур.

Кўпгина колхозлар жамоат хўжалигини мустаҳкамлаш ва бўлинмас фондларни кўпайтириш натижасида кейинги йилларда ишлаб чиқариш бинолари ҳамда маданий-маиший бинолар қуришни анча кенгайтириш имкониятига эга бўлдилар. Лекин КПСС XXI съездининг колхозларда қурилиш ишларини ривожлантириш тўғрисидаги қарорини бажариш соҳасида ҳали жуда оз иш қилинди. Украина ССР колхозларининг қимматли тажрибасини қабул қилиб, колхозлараро қурилиш ташкилотлари ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналар вужудга келтириш керак. Токи колхозлар техникани ремонт қиладиган устахоналар, техника сақлайдиган бинолар ва бошқа ишлаб чиқариш бинолари қуришни кенг авж олдириш, жамоат нонвойхоналари, ошхоналар, колхозчилар учун уйлар қуриш ҳамда бошқа барча маданий-маиший қурилишни олиб бориш имконига эга бўлсинлар.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик савиясини оширайлик

— Етти йилликнинг улуғвор вазифаларини амалга оширишда, — дейди Ўртоқ Рашидов, — кадрларимиз, партия, совет ва хўжалик органларининг барча звеноларидаги раҳбар ходимларимиз биринчи даражали роль ўйнайди. Ҳар қандай раҳбарга, унинг ғоявийлиги ва партиявийлигига, интизомлилиги ва онглилигига баҳо беришда қўлланиладиган ўлчов — у қилган меҳнатнинг натижаларидир.

Совет ҳокимияти йилларида мобайнида Коммунистик партиянинг тинмай ғамхўрлик қилиши туфайли бизда ажойиб кадрлар ўсиб етишди, улар катта ва мураккаб хўжаликсиёсий вазифаларни ҳал қилишга қодир эканликларини бир эмас, бир неча бор кўрсатдилар. Шунга қарамай, хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилишда йўл қўйилган ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг XI пленумида очиб ташланган жиддий нуқсонлар ва хатолар кадрлар билан ишлашда, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда катта камчиликлар борлигидан далолат бермоқда.

Бизда таваккалига мажбурият олавериш фактлари кўплаб учрайди. Айрим раҳбарлар ўзларини «ташаббускор», халқнинг қайноқ ҳаёти билан қоврилаётган қилиб кўрсатмоқ учун оғзиларига сиққанича мажбурият олаберадилар. Конкрет ишлар ва зўр ташкилотчилик иши билан мустаҳкамланмаган мажбурият — маҳмадонагарчиликнинг ўзгинасидир.

Партия ва давлат интизомини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, топширилган иш соҳаси учун кадрларнинг масъулиятини ошириш зарур. Ваъда бердингми — уддасидан чиқ — бу, ҳар бир партия ходимининг темир қоидаси бўлиши керак.

Биз кадрларимизни большевикча камтарлик, юксак онглилик ва интизомлилик руҳида, интернационализм, умумдавлат манфаатларини чуқур тушуниш ва ўз халқига, коммунизм ишига садоқат билан хизмат қилиш руҳида тарбиялашимиз лозим.

— Шу етти йилликда республика олдида турган улкан вазифаларни муваффақиятли бажариш учун, — дейди Ўртоқ Рашидов, — биз барча партиявий ишларни жиддий равишда яхшилашимиз, партия ташкилотларининг ташкилотчилик ролини янги вазифалар даражасига кўтаришимиз керак.

Кишиларни уюштириш ва ижрони текшириш — партия органларининг фаолиятида асосий масала бўлиши лозим. Шунга қарамай, айрим область, шаҳар ва район партия комитетлари, министрликлар ва бошқармаларнинг фаолиятида бу нарса етишмайди. Ижро текширилмаётган жойда ишда конкретлик ва оперативчилик бўлмайди.

Омма орасида чинакам ташкилотчилик ишининг бўлмаслиги хўжаликка раҳбарлик қилишда юзакичилик ва расмиятчиликни келтириб чиқаради. Айрим районларнинг ва ҳатто областларнинг раҳбарлари жойларга борганларида кўпроқ хўжаликни кезиб чиқиш пайидан бўлишларини кўрсатувчи мисоллар бизда оз дейсизми, ахир? Бундай ходимлар бекорчи сайёҳларга ўхшаб қолдилар. Раҳбарликнинг бундай эрамас ва зарарли методларига практикамизда қатъиян хотима беришимиз зарур. Ҳар бир раҳбар ходим жойларда бўлганида жамоат хўжалигининг экономикасини чуқур ўрганмоғи, колхоз ва совхоз кадрларига ёрдам бермоғи, уларга ишни тўғри олиб боришни аниқ ва равшан ўргатмоғи лозим.

Кейинги йилларда бизда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда нотўғри практика вужудга келди — жойларга жуда кўп вакиллар жўнатилади. Бу эса маҳаллий раҳбарларнинг ролини камситади, уларнинг ташаббусини бўғиб қўяди, ўз вазифаларини сўзсиз бажариш учун масъулиятларини камайтиради. Район, колхоз, совхоз ва РТСларни малакали, қобилиятли кадрлар билан, яхши ташкилотчилар билан мустаҳкамлаш керак. Ушанда тартиб турадиган ҳеч қандай вакилларга ҳожат қолмайди.

Келинглар, кадрларимизнинг ҳар бири ўз соҳасида ҳалол ва софдил ишлайди, ўз иши учун жавоб беради, ўз соҳаси бўйича катта ташкилий иш олиб боради, деб келишиб олайлик. Бунинг маъноси шуки, республика ва область раҳбарлари Марказий Комитетнинг ёки ҳукуматнинг ҳеч қандай эслатмаси ва командировкасисиз ўзлари жойларга муттасил бориб турадилар ва ўзларига қарашли ташкилотларга давлат топшириқларини бажаришда конкрет ёрдам берадилар. **(Қарсаклар).**

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва қабул қилинган мажбуриятларни бажариш учун курашда бошлангич партия ташкилотларининг роли катта. Айрим район партия комитетлари уларга етарли равишда суяниб иш кўрмайдилар.

Моломики, биз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги катта вазифаларни шараф билан бажаришни истар эканмиз, бошлангич партия ташкилотларини янада мустаҳкамлашга астойдил киришишимиз, коммунистларнинг ташаббускорлигини ҳар тарафлама ривожлантиришимиз, уларнинг ишлаб чиқаришдаги, ижтимоий ва маданий ҳаётдаги авангардлик ролини оширишимиз зарур.

Ишонтириш методи — партиявий раҳбарликнинг асосий методидир. Шунга қарамай, партия ташкилотларининг айрим раҳбарлари баъзи баъзида бу методга риоя қилмайдилар, омма орасида сиёсий агитация олиб боришнинг аҳамиятига етарлик баҳо бермайдилар, тарбиявий ишларни қунт билан олиб бориш ўрнига қоғозбозлик, маъмуриятчилик қиладилар. Такаббурлик, маъмуриятчилик, кўполлик — ходимнинг маданияти пастлигини кўрсатувчи белгилар эканлигини ходимларимизнинг ҳар бири тушунib олмоғи керак. Оммага ўртоқларча муносабатда бўлиш, омманинг эҳтиёжини сезгирлик билан қондириш йўли билан меҳнаткашлар ўртасида чексиз обрў орттира билиш керак.

Тўғридан-тўғри айтиш керакки, кўпгина раҳбарларимиз далада ва фермада ишлаётган колхозчиларга, совхоз ишчиларига зарур шароит яратиб беришга етарли эътибор бермаётирлар. Кўпчилик колхозларда умумий овқатланиш йўлга қўйилмаган, болалар муассасалари ташкил этилмаган, меҳнаткашларнинг бошқа маданий-маиший эҳтиёжларини қондиришга ҳам етарли ғамхўрлик кўрсатилмаётир. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Биз бир дақиқа бўлса-да, халқ эҳтиёжларини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Ҳозирги вақтда партия ташкилотларининг XXI съезд қарорларини, Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладини пропаганда қилиш ва тушунтириш ҳамда етти йиллик планни бажариш учун астойдил қизғин кураш олиб боришдан кўра муҳимроқ ва шарафлироқ вазифаси йўқ. КПСС Марказий Комитетининг «Сталино области меҳнаткашлари ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларнинг аҳволи ва уларни яхшилаш тадбирлари ҳақида»ги қарорида коммунизм қурилишини авж олдириш лаврида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларнинг мазмуни, форма ва методлари аниқ кўрсатиб берилган.

Ўртоқ Рашидов маҳаллий Советларга, касаба союз ва комсомол ташкилотларига партия раҳбарлигини яхшилаш, бу ташкилотларнинг хўжалик ва маданий қурилишдаги ролини ошириш зарур, деб уқтиради.

Ўртоқ Рашидов пировардида бундай дейди:

— Республика партия ташкилоти омманинг ўсиб бораётган меҳнат ва сиёсий активлигига ишнинг кўзини билиб бошчилик қилади, 1959 йил учун қабул қилинган барча социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлайди ҳамда Ўзбекистон пахтакорлари ўз сўзларининг уддасидан шараф билан чиқадилар — бу йил мамлакатга камида 3 миллион 50 минг тонна пахта берадилар, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз. **(Қарсаклар).**

* * *

Ўртоқ Ш. Р. Рашидов доклади юзасидан қизғин музокаралар бўлди. Пленум қатнашчилари ўз сўзларида КПСС XXI съездининг қарорлари ҳамда саноат ва қурилишдаги техника тараққиётига доир муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун Марказий Комитет Пленумини чақириш ҳақидаги ахборот қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг сиёсий ва ишлаб чиқариш активлигини ошириб юборганлиги тўғрисида гапирдилар.

Пахтакорлар ва чорвадорлар, пиллачилар ва сабзавотчилар, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларидаги ходимлар ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар олиб, етти йиллик ва 1959 йилги халқ хўжалик вазифаларини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани тўхтовсиз кучайтирмоқдалар.

Музокарада қатнашганлар пахтачиликни янада юксалтириш учун курашда социалистик мусобақа жуда катта роль ўйнаши кераклигини қайд қилиш билан бирга, партия ташкилотларининг мусобақага раҳбарлигини кучайтириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтдилар. Партия комитетларининг, қишлоқ бошлангич партия ташкилотларининг бурчи — мусобақани оммавий тус олдиришдан, унинг таъсирчан бўлишини таъминлашдан иборатдир. Шунга эришиш керакки, мусобақа давомида меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усуллари ва энг яхши тажрибаларни кенг пропаганда қилиш, орқада қолаётганларни илғорлар даражасига етказиш мумкин бўлсин.

Нотиқлар социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини областлараро текшириш жуда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапириш билан бирга, ўзаро текшириш бригадаларининг маслаҳат ва тавсияларини амалга ошириш устидан кундалик назорат ўрнатиш зарурлигини қайд қилиб ўтдилар.

Музокараларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қабул қилган юксак социалистик мажбуриятни бажариш учун курашда колхоз, совхоз, РТС бошлангич партия ташкилотларининг ролини кучайтириш масаласига катта эътибор берилди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига партия раҳбарлиги усуллари ва методларини ҳар томонлама такомиллаштириш, кадрлар танлаш ва жойлаштиришни яхшилаш зарурлиги ҳақида гапирилди.

Шунингдек, нутқларда республика ташкилотларининг, министрликлар ва идораларнинг ишларини яхшилашга оид, 1959 йилда камида 3 миллион 50 минг тонна пахта етиштириш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятдан келиб чиқадиган вазифаларни ҳал қилишда область ва районларга уларнинг ёрдамини кучайтиришга оид масалалар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари **Р. Ғуломов** область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1959 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан олган юксак мажбуриятлар ҳақида гапирди. Пойтахт областининг пахтакорлари етти йилликнинг биринчи йилида 460 минг тонна пахта етиштириш мажбуриятини олдилар. Барча мажбуриятларни муваффақиятли бажариш манфаатлари қишлоқ хўжалигига, айниқса пахтачиликка раҳбарлик қилиш усули ва методларини тубдан қайта қуришни, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Тошкент область партия комитетининг область халқ хўжалигига раҳбарлик қилишда йўл қўйган жиддий камчиликлари ҳақидаги қарорида очиб ташланган хато ва камчиликларни охиригача тугатишни талаб этади.

Ўртоқ Ғуломов ўзаро мусобақалашаётган Тошкент ва Андижон областларининг кўрсаткичларини таҳлил қилиб, пахта етиштиришда пойтахт области жиддий орқада қолаётганлигини яққол кўрсатадиган далилларни келтирди. Бунинг сабаби, — дейди нотиқ, — юзаки раҳбарлик қилиш окибатидир. Йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш учун ҳозирданоқ бир қанча зарур тадбирларни амалга ошириш керак. Коллектор-зовурларни тозалаш ана шу тадбирлардан биридир. Чунки, бу тадбир пахтачиликни юксалтиришда катта аҳамиятга эгадир. Бу масалада Ўзбекистон ҳукумати ва Компартия Марказий Комитети ҳам бизга жиддий ёрдам беришлари керак. Шунингдек, янги майдонларни ўзлаштириш, эскидан экилиб келинаётган майдонлар аҳволини яхшилаш масаласи ҳам муҳим ишдир.

Ўртоқ Ғуломов областнинг кўпгина колхоз ва совхозларида модий манфаатдорлик принципи жиддий равишда бузилиб келганлигини, пахта таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш масаласига етарли эътибор берилмаганлигини, совхозларга раҳбарлик жуда бўшаштириб юборилганлигини, кадрлар танлаш ва жойлаштиришда катта камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатиб ўтди.

Тошкент областининг пахтачиликни ривожлантиришдаги қолоқлигини тугатиш — юқоридан пастгача қаттиқ интизомни, шахсий жавобгарликни оширишни, ташаббускорликни, янгиликни қўллаб-қувватлашни, партия ва халқни алдаётган маҳмадона ва кўзбўямачиларга қарши қаттиқ кураш олиб боришни талаб қилади.

Область партия ташкилоти пахтага ишлов беришдаги камчиликларни тугатиш учун ҳозир барча зарур тадбирларни кўрмоқда. Гулистон районидаги Ленин номли колхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ғанишер Юнусов ташаббуси билан областда пахтадан 50 центнер ҳосил олиш учун бошланган мусобақа оммавий тус олиб бормоқда.

Ўртоқ Ғуломов Андижон ва Тошкент областлари ўртасидаги мусобақани яхшилаш масалаларини, бу ишда ишчанлик, конкретлик бўлишини, мусобақа натижасида қолоқлар илғорлар даражасига етиб олиши кераклигини айтиб ўтади.

Ўзбекистон КП Ленин район (Андижон область) комитетининг секретари **Т. Комилов** район пахтакорларининг ижодий активлиги юксалиб бораётганлиги, улар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш етти йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун республикада бошланган социалистик мусобақа ташаббускори бўлганликлари ҳақида гапирди. Райондаги колхозларда пахта етиштиришнинг илғор агротехника усуллари кенг жорий қилинмоқда, пахта майдонининг кўпчилигига чигит квадратуялаб экилган. Ҳозир районда 70 та трактор-далачилик бригадаси бор. Пахта майдонининг ҳаммасида чигит текис ва яхши унib чиқди. Энди асосий диққат ғўзага ўз вақтида юқори сифатли ишлов беришга қаратилмоқда.

Нотиқ районда жамоат чорвачилигини, сабзавотчиликни, узумчилик ва боғдорчиликни, пиллачиликни юксалтириш учун катта имкониятлар борлиги ҳақида гапиради. Ўртоқ Комилов пахта етиштиришни кўпайтириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун курашда республика олимлари катта роль ўйнашлари кераклигини уқтириб, баъзи ҳолларда улар ўз тавсияларида нотўғри хулосаларга келаётганликлари ҳақида гапирди. Шу муносабат билан нотиқ бир группа олимлар томонидан чигит суви бериш ва ғўзанинг белгиланган қалинликда бўлишини таъминлаш масаласида ёзилган ва республика газеталарида босилган мақолада конкрет эмас, балки кўпроқ бир-бирига зид бўлган маслаҳатлар берилганлигини танқид қилади. Маҳаллий шароит ва хусусиятлар ҳисобга олмаган бундай бир қолипдаги агрономия маслаҳати ва тавсиялар пахтакорларнинг ташаббусини бўғиб қўяди. Колхозлар ва совхозлар олимлардан фан ва техниканинг янги ютуқларига асосланган ва пахтакорларнинг билимини бойитадиган, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини кучайтиришга ёрдам берадиган маслаҳатларни кутадилар.

Район партия комитети ҳозирги муҳим вазифаларни ҳисобга олиб, колхоз бошлангич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, партия группалари фаолиятини кучайтириш, бригада ва фермаларда ички партия ташкилотлари тузиш масалаларига алоҳида эътибор бермоқда.

Ўзбекистон КП Фарғона область комитетининг секретари **Т. Камбаров** КПСС Марказий Комитетининг 24 июнда бўладиган Пленумини муносиб даражада кутиб олиш учун областдаги саноат корхоналарида, колхоз-совхозларда, РТСларда социалистик мусобақа кенг авж олиб бораётганлиги ҳақида гапиради.

Етти йилликни муваффақиятли амалга оширишда 1959 йил вазифаларини бажариш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини англаган область пахтакорлари ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ходимлари бу йил ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар. Область партия ташкилотлари барча колхозчилар ва совхоз ишчиларининг куч ва ғайратини шу олиннган социалистик мажбуриятни шараф билан бажаришга сафарбар этмоқда.

Ўртоқ Камбаров чигит экиш якунлари ҳақида гапириб, маҳаллий партия ташкилотлари пахтачиликда комплекс механизацияни кенг жорий қилишга, кетмонни сиқиб чиқаришга э

АНДИЖОН-ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МУСОБАҚАСИ

Андижонлик пахтакорлардан ўрнак олингиз!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

КОММУНИСТ

ЎЗБЕКИСТОН КП АНДИЖОН ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Сиз билан бизда Тошкент областининг илгариги шуҳратини тиклаш учун, уни илғорлар қаторига етказиб олиш учун ҳамма имкониятлар бор.

Ахир, биз мусобақадош ўртоқларимиз бўлган донгдор андижонликлардай, ўзларининг пахта далаларида қилган фидокорона меҳнатлари туфайли энг юксак мукофот — Ленин ордени билан тақдирланган ана шу ўртоқлар сингари ишлай олмаймизми?!

Андижонликлар ҳам сиз ва бизга ўхшаган кишилар-ку ахир, ёки уларнинг пахта етиштиришда биз билмаган бирор сирлари борми? Йўқ, албатта. Ҳамма гап шундаки, Андижонлик ўртоқлар деҳқончилик маданиятини ошириш йўлида зўр бериб ва астойдил ишламоқдалар, ҳамма ишни ўз вақтида юқори сифатли қилиб сидқидиллик билан бажармоқдалар, жон куйдирмоқдалар, меҳнатни ташкил қилишнинг тобора яхшироқ ва мукаммал формаларини қидириб топмоқдалар, агротехника қоидаларини шаблон тариқасида эмас, балки ижодий тарзда тадбиқ этмоқдалар.

Келинг, биз ҳам пахта учун курашда жонбозлик, сабот-матонат кўрсатайлик, янгиликни ва илғорлар тажрибасини турмушга тинмай жорий қилайлик. Шундагина ишларимиз юришиб кетади.

(Тошкент область пахтакорлари кенгаши қатнашчиларининг Мактубидан).

Мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдамиз

Сирожиддин ОТАЖОНОВ,

Булоқбоши районидаги «Коммунизм» колхозининг ранси.

Мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим шарти ғўзани ёш вақтида агротехника қоидаларига тўла амал қилган ҳолда парвариш қилишдир. Ғўза ёш вақтида нозик бўлади. Шунинг учун уни ўз вақтида яганалаш, қатор ораларини юмшатиш ва озиқлантириш зарур. Шундай қилганда ғўза тез ривожланади, ҳосилга ҳам эрта киради. Агар ғўзанинг яганаси ва ишлови кечиктириб юборилса у ҳолда ёш ғўза яхши ривожлана олмайди. Ягана кечикиб ўтказилганда уяда қолдириладиган ғўзанинг томирлари узилади, янгидан томир чиқариб, озиқа оладиган бўлгунча 7—8 кун ўтиб кетади.

Колхозимиз аъзолари агротехниканинг ана шу талабларини ҳисобга олиб, бу йил ғўза парваришини барвақт ўтказиш тадбирларини кўрдилар. Энг аввал, 1210 гектар майдонда ғўзани текис ундириб олдик. Ола чиққан, кўчати мўлжалдан кам бўлган карталарга ва ер четларига, ўқариқ бўйларига чигит экишни 4 майда тамомладик. Чигит экиш ўтган йилгидан 5 кун кеч тамомланганлигига қарамай, биринчи ғўза парваришини 7—8 кун илгари тамомладик.

Биз бу йил ғўза қатор ораларига механизмлар ёрдами билан икки томонлама ишлов бериш ва қўл меҳнатини камайтириб, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Плондаги 600 ўрнига 646 гектар ерга режа сими тортиб, квадрат-уялаб чигит экдик. Умуман 1090 гектар ердаги ғўза икки томонлама парвариш қилинмоқда. Ҳамма майдонда ғўзани парвариш қилишда техникадан унумли фойдаланилмоқда. 21 та универсалга культиватор, 15 тасига СУЗ осилди. Ҳар бир трактор билан шу кунларда 7—7,5 гектардан иш бажарилмоқда.

Ҳозир 300 гектарга яқин ердаги ғўзага кетмонсиз ишлов берилмоқда. Масалан, колхознинг ўртоқ Абдужалил Оталиқов бошлиқ бригадасида 90 гектар ер кетмонсиз ишланаётир. Бу бригада ғўзага биринчи комплекс ишлов беришни ўтган йилдагидан 9 кун олдин — 8 майда тамомлади. Шунингдек Ўрунқўзи Кўчканов, Тўғонбой Тухташев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам ғўзанинг биринчи парвариши барвақт тугалланди. 15 та бригаданинг кўпчилиги ғўзани эрта озиқлантирди. Ҳар гектар ерга 100 килограммдан сулфат, 150 килограммдан азот, 200 килограммдан маҳаллий ўғит аралаштириб солинди.

Ғўзани культивация қилиш ва озиқлантиришда механизаторларимиз юксак унум билан ишламоқдалар. Деҳқон Эргашев, Сотиболди Матумаров, Алижон Абдуллаев, Мамат Хўжаев каби универсалчиларнинг ҳар бири қисқа муддатда 117—140 гектардан ердаги ғўза қатор ораларига ишлов бердилар.

Колхозда яганалаш ҳам қисқа муддатда ўтказилди. Колхозчиларга ишнинг тақсимлаб берилганлиги ягананинг сифатли ўтказилишини таъминлади.

Ҳосил кўчатдан чиқади. Шунинг учун ҳам далада ишлаётган ҳар бир колхозчининг ёнидан ивитилган чигит тушгани йўқ. Улар чигит униб чиқмай қолган ва кўчати бир-иккитадан қолган уяларга қўшимча чигит экиб чиқдилар. Шу билан биз ҳар гектар ерда 93 минг тупдан кўчат бўлишига эришдик.

Бу йил 240 гектар майдондаги пахтани машинада теришга ажратдик. Бу майдонлардаги ғўзага ишлов бериш ана шу мақсадга мувофиқ ўтказилмоқда.

Ўтган йили бир центнер пахта етиштириш учун 83,5 сўм пул, 8,2 тадан меҳнат сарфланган ва бир центнер пахтанинг қиммати 218 сўмга тушган эди. Бу йил бир центнер пахта етиштириш учун 65 сўм пул, 6 ярима меҳнат сарфлаб, маҳсулот таннархини 190 сўмга келтириш мақсадида курашмоқдамиз.

Ҳозир ғўза парваришининг энг масъулиятли даври бошланди. Ғўзага ишлов беришни бир кун кечиктирган киши ҳосилни етиштиришда 6—7 кун ютказади. Колхозимиз аъзолари шуни ҳисобга олиб, дала шийпонларига кўчиб чиқдилар. Натижада кўпчилик колхозчиларимиз кунлик нормани бир ярим-икки ҳисса бажармоқдалар. Колхоз правлениеси далада ишловчи колхозчиларга қулай маданий-маиший шароит яратиб берди. 14 та дала шийпони яхшилаб жиҳозланди. Ҳамма бригадаларда иссиқ овқат ташкил этилди.

Колхозчиларнинг ҳар бир меҳнатига 6 сўмдан пул ва 1,5 килограммдан галла бериб турилипти. Йил бошидан бери колхозчиларга биз 350 минг сўмдан кўпроқ пул, 90 тонна галла тақсимлаб бердик.

Колхоз аъзолари бу йил 1210 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олганлар. Ҳозир ғўзага биринчи ишлов бериш тамомланди. Иккинчи ишлов беришни қизитиб юборган колхозчиларимиз олган социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажариш учун тинмай курашадилар.

Андижон область Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг ўртоқ Луқмон Исломов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси аъзолари ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил етиштириш учун астойдил бел боғлаб курашмоқдалар. Суратда: (олдинда) механизаторлардан Ғафур Қурбонов ва Нуриддин Ҳасанов ўртоқлар квадрат-уялаб парвариш қилинаётган ғўза қатор ораларига узунасига ва кўндалангига ишлов бермоқдалар.

Тош билан ёзилган салом

(Андижон хотираларидан)

Дилда бўлса тилга чиқади, дейдилар. Андижонликлар чиқакам меҳнатсеварликлари, миришкор деҳқон, ажойиб пахтакор, меҳмондўст ва очиқ кўнгилликлари билан машҳур. Уларнинг бу фазилатлари, айниқса, тошкентлик мусобақадошлар келган кунлари яққол сезилиб турди.

Қаерга борманг, тошкентлик мусобақадошларга аталиб, қизил алвонларга ёзилган илиқ саломларни ўқийсиз. Йўлларда ҳам, ижодий меҳнат қайнаган ғўзал пахта далаларида ҳам шу хисталар намоён бўларди. Агар тошкентликлар шарафига алангали саломлар ёзилган ҳамма алвонлар бир-бирига уланса, Андижон билан Тошкентни бир-бирига маҳкам боғлаган бўларди. Бу андижонликларнинг дилларидан тилларига чиққан юрак сўзларидир.

Оламишиқ адрининг этакларига жойлашган Ойим районининг Серго номли колхозига кириб бораверишдаги бир лавҳа, айниқса, кишида чуқур таассурот қолдиради. Тикка адрнинг бағрига тош билан ёзилган «Тошкентлик мусобақадошларга салом» деган сўзларни икки-уч километр наридан туриб ўқиш мумкин.

Андижонда ғайратли, фидокор, янгиликка интилувчи ва уни изловчи кишилар кўп. Уларга қойил қолмасликнинг иложи йўқ.

Ленин районидаги Карл Маркс номли колхознинг трактор-далачилик бригадаси бошлиғи ўртоқ Манноп Жалолов ўша янгилик изловчи, олға қараб интилувчи ва ташаббускор кишиларнинг бири.

Манноп Жалолов бригадасининг 130 гектар ерида илгари 150 киши ишлар экан. Ўтган йили одамлар сони 5 марта камайтирилиб, 30 киши қолдирилипти. Трактор-далачилик бригадаси тузилипти. Бригадада ишловчи ҳар бир кишига 4 гектардан ер тўғри келар экан. Бригада аъзолари техникадан унумли фойдаланиб, ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олишга, ҳосилдорликни 6 центнердан оширишга, ҳар бир ишловчи ҳисобига 14 тоннадан пахта етиштиришга, бир центнер пахта етиштириш учун фақат 3,86 меҳнат сарфлашга, мавсумда 17 минг меҳнатни тежаб қолишга муваффақ бўлганлар.

Ана шу ишга бош бўлган Манноп Жалолов билан биз унинг даласида учрашдик.

— Бу йил ҳам ҳар бир кишига 4 гектардан ер тўғри келадими? — сўрадик.

— Бу йил биз 20 гектар янги ер ўзлаштириб, пахта майдонимизни 150 гектарга етказдик. Ниятимиз зўр. Ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганмиз.

— Сизнинг бригадангизда эришилган бу муваффақиятларнинг сири нимадан иборат? — қизиқиб сўрадик.

<>

Манноп Жалолов бу саволга жавоб беришдан аввал бизни ишлаб турган универсал олдига бошлаб борди.

— Ишимизда ҳеч қандай сир йўқ. Фақат техникадан унумли фойдаланяпмиз. Масалан, ҳозирги СУЗларнинг барабанига солинган ўғит картанинг у бошидан бу бошигача етмайди. Ўғит солиш учун трактор яна ярим йўлда тўхтайди. Анча вақт бекор ўтади. Шу сабабли биз СУЗ га кўпроқ ўғит солиб ишлатиш учун махсус яшик қилдик. — Жалолов тракторга ўрнатилган культиваторнинг иш органларини кўрсатар экан сўзида давом этди, — илгари биз культиваторга фақат 8 та пичоқ, 5 та панжа ўрнатиб ишлатардик. Энди бўлса 10 та пичоқ, 13 та панжа ўрнатдик. Бизнинг сиримиз шу холос.

— Бригадада бу йил ҳар бир киши ҳисобига қанчадан пахта етиштирилмоқчи?

— 20 тоннадан.

Манноп Жалоловнинг даласидаги қизғин ишни кўрган киши унинг сўзларига сира шубҳа қилмайди.

Ойим районидаги «Ғайрат» колхозида ҳам трактор-далачилик бригадаси тузилган. Унга 400 гектар ерни шудгор қилган моҳир механизатор Каромат Аҳмедова раҳбарлик қилаяпти. Улар 103 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олишга, ҳар бир киши ҳисобига 14 тоннадан пахта етиштиришга маҳкам бел боғлаганлар. Яқинда шу бригадага Ленин районлик Манноп Жалолов келиб, ўз тажрибасини бирма-бир сўзлаб беripти.

— Биз ўртоқ Жалоловдан техникадан унумли фойдаланиш тўғрисида анча нарсаларни ўрганиб олдик, — дейди ўртоқ Аҳмедова, — илгари биздаги тракторнинг иш органи 16 тадан ошмас эди. Жалолов бўлса тракторга 28 та иш органи ўрнатиб ишлатар экан.

Булар ҳам андижонликларнинг дилларидаги орзулари рўёбга чиқанини кўрсатади, ажойиб прогрессив ҳаракатларнинг турмушга кенг ёйилиб бораётганини билдиради.

Ойим районида пахта майдонига нисбатан беда майдони 15 процентга етмайди. Демак, алмашлаб экиш тўла жорий этилмаган. Бунинг учун ер етишмайди. Районнинг Кўртқи қишлоғидаги 6 кишининг астойдил ҳаракати шу жиҳатдан жуда қиммати. Бу ҳаракат кичкина бўлса ҳам, район учун катта истиқбол эшигини очиб юборгандай кўринади.

Оламишиқ адрининг этаклари. Пастда Қорағунон деб аталган сув шарқираб оқмоқда. Адрнинг тепасида эса неча минг гектар бўлиқ ер сувсиз чангиб ётипти. Ана шу адрнинг бағрига тош билан «КПСС XXI съезди қарорларини бажарамиз» деган сўзлар ёзиб қўйилган. Бу лавҳа шу қишлоқ меҳнаткашларининг дилларида кўпдан бери сақланиб келган умид ва орзуларнинг ифодасидай мағрур турипти!

Худди шу адр теппасидан Мамарайим Қосимов, Пират Чўлпонов, Тешабой Тошматов ва уларнинг уч шериги насос билан сув чиқариб, 25 гектар ерни ўзлаштириб, чигит экканлар.

55 ёшлардаги, соч-соқоллари оқара бошлаган Мамарайим Қосимов тўлқинланиб гапира бошлади:

— Биз сув чиқариб берадиган дизелчимиз билан 6 кишимиз. Бригадамиз ҳали сонда ҳам, саноқда ҳам йўқ. Бу ерлар «Ёмон адр» деб аталади. Лекин бу гап тўғри эмас. Ерларни қаранг, қандай яхши, қандай бўлиқ! Ғўзаларимизни бир кўринг, ҳавасингиз келади. Энди бу ерларни яхши адр деб аташ керак. Ҳали бизга трактор ҳам берилмаган. Битта от билан ғўзамизни культивация, 5 киши кетмон билан чопиқ қилаяпмиз.

— Бу ғўзалар озиқлантирилдими, — сўрадик.

— Бизнинг ғўзага берадиган озиғимиз сув. Чунки, бу ерларнинг турган-битгани озиқ. Шунинг учун 405 метрли труба билан сув чиқардик.

— Пахтадан бошқа яна қандай экин экмоқчисизлар?

— Ғўзанинг оқовасидаги сув бекорга оқиб кетади. Шунинг учун адрнинг ўша қуйи қисмига қовун-тарвуз экмоқчимиз. Ҳов анави ер боғ бўлади. Бу томонига анор-анжир экамиз. Уёгига бошқа мевалардан экмоқчимиз, — дейди Мамарайим ака ҳали ўзлаштирилмаган адрни кўрсатиб.

— Ҳали у ерлар ўзлаштирилмаган-ку?

— Мана бу турган еримиз ҳам илгари ўзлаштирилмаган эди. Ҳозир бўлса кўриб турибсиз, туппа-тузук пахтазор. Энди бу «Ёмон адр»ни яхши адр қилиш ўз қўлимизда.

Андижон областидаги Манноп Жалолов, Мамарайим Қосимов, Каромат Аҳмедова сингари мингларча ташаббускор кишиларнинг номларини санаган билан тугамайди. Уларнинг диллари мана шундай ҳис-туйғуларга ва орзу-умидларга лиммо-лим. Улар ҳақида ҳар қанча ёзсанг оз. Уларнинг номларини ҳам шу адрлар бағрига тош билан ёзиб қўйса арзийди.

Б. ХАЛИЛОВ,
Андижон.

Ғўзани эрта озиқлантириб, тезда ҳосилга киритамиз

Комилжон АБДУЛЛАЕВ,

Москва районидаги Ленин номли колхоз агрономи.

Етти йиллик планни пахта етиштириш бўйича 6 йилда бажариш учун курашаётган колхозимиз аъзолари чигитни текис ундириб олганларидан кейин, ғўза парваришини кучайтириб юборилар. 375 гектар майдонда яшил квадратлар ҳосил қилинди ва ғўзага биринчи комплекс ишлов бериш тамомланди. Ҳозир ғўзанинг иккинчи парвариши қизғин давом этмоқда.

Маълумки, ғўзани эрта озиқлантириш унинг ривожланишини тезлатади, ғўзанинг илдиз системаси тупроққа кенг ёйилади, ердаги намдан кўп фойдаланиб, бақувват бўлиб ўсади. Ана шунинг учун ҳам колхозимизда ғўзани эрта озиқлантиришга катта эътибор берилаяпти. Чигит экиш тугалланиши билан 10 та универсалга культиватор билан бирга СУЗ ҳам осилди. Ғўзани букетлаш ва яшил квадратларда кўндалангига культивация қилиш вақтида барча майдондаги ғўза озиқлантирилди.

Колхоз механизаторларининг гайрат кўрсатиб ишлашлари натижасида, айниқса, колхозимизнинг 2, 4, 6 ва 8-бригадаларида яхши натижаларга эришилди, кўндалангига қирқиш, культивация қилиш билан озиқлантириш бирга қўшиб ўтказилди. Бу ишда Дамин Шарофитдинов, Абдулла Юсупов ўртоқлар алоҳида намуна кўрсатишди. Уларнинг ҳар бири 80—90 гектар ердаги ғўзани озиқлантирди. Универсалчи Баҳром Рўзиев ҳам 9-бригадада кўндалангига культивацияни озиқлантириш билан бирга ўтказди. Шундай қилиб, 715 гектар майдондаги ғўзанинг ҳаммаси биринчи парвариш даврида-ёқ озиқлантирилди.

Ғўзани эрта озиқлантириш колхозимизда меҳнат харажатларини анча камайтиришга ёрдам берди. Биринчи парвариш билан озиқлантириш қўшиб ўтказилгани учун колхоз бўйича 500 дан ортиқ меҳнат куни тежаб қолинди.

Озиқлантириш вақтида минерал ўғитга маҳаллий ўғит аралаштириб ишлатишга алоҳида аҳамият берилди, биз фосфорли ўғитга чириган гўнг аралаштириб, ғўзаларни озиқлантирдик. Ҳар гектар ерга 120 килограммдан фосфор, 100 килограммдан сулфат аммоний ва 200 килограммдан чириган гўнг ёки кўй аралаштириб солинди. Колхоз правлениеси биринчи озиқлантиришни муваффақиятли ўтказишга ана шундай жиддий эътибор берди. Ҳар бир бригададан 3—4 кишини минерал ва маҳаллий ўғитни аралаштириш, тракторларга етказиб бериш учун ажратилди. Улар чириган гўнгни эзлаб, минерал ўғитга аралаштириб турдилар. Бу, ўғитнинг СУЗ аппаратидан эгатларга бир текис тушишини таъминлади. Аралашма ғўзанинг илдизи яқинига, 6—8 сантиметр чуқурликда солинди. Натижада ғўза ўғитдан максимал фойдаланиб, тез ривожланмоқда. Озиқлантиришдан кейин ғўзалар суғорилмоқда.

Ғўзани эрта озиқлантиришда айрим камчиликлар ҳам рўй берди. Масалан, 7-бригада бошлиғи Х. Тешабоев тайёр сўнг бўла туриб, ундан фойдаланмаган. Ғўзани фақат фосфор билан озиқлантириш тўғрисида буйруқ берган, бригаданинг бу иши қораланди, хато тузатилди. Сиз участкасидаги 117 гектарли ернинг пахтаси машина билан теришга ажратилган, лекин бу ерлардаги ғўзани озиқлантириш учун гўнг тайёрланмаган эди. Бу камчиликнинг ҳам олди олинди, шошилинч равишда гўнг келтирилиб, ғўзалар агротехника талабларига мувофиқ озиқлантирилди.

Амалга оширилган ана шу тадбирлар натижасида ғўза ривожланмоқда, озиқлантирилган ғўзалар ҳозир 4—5 тадан чин барг чиқарди. Бу, шоналашни тезлаштиради.

Ҳозир колхозимизда иккинчи озиқлантиришга тайёрлик кўриляпти. Далага маҳаллий ўғит чиқаришни яна давом эттирмоқдамиз.

Бу йил колхозимиз аъзолари ғўзани уч марта озиқлантириб, ўз зиммаларига олган мажбуриятга яраша ишлайдилар ва ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил етиштирадилар.

Пахтанинг таннархини камайтирамиз

Жонибек ҲУСАНБОЕВ,

Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхозининг механизатори.

Ўтган йили мен 1050 гектар ердаги ғўзани культивация қилиб, СХМ-48-М маркали машина билан 84 тонна пахта терган эдим. Шу билан бригадамизнинг 96 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил олишида ўз ҳиссамни қўшган эдим.

Бу йил эса шу бригадада трактор-далачилик звеносининг бошлиғи бўлиб ишлаяпман. 50 гектар еримизда 6 киши ишламоқда. Звеномизнинг ҳар бир аъзосига 7 гектардан ер тўғри келади. Биз мана шу куч билан бу йил ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилиб, астойдил курашмоқдамиз.

Қўшни звено ва бригадаларга квадрат-уялаб чигит экишда ҳам ёрдам бердим. Ҳаммаси бўлиб, бу йил 123 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экдим.

Биз ўз звеномизда техникадан унумли фойдаланиб, етиштириладиган пахта ҳосилининг таннархини камайтириш, қилиниши лозим бўлган харажатларни камайтириш учун ҳаракат қилаяпмиз. Ўтган йили бир центнер пахта етиштириш учун 164 сўм ўрнига 152 сўм сарфланган эди. Бу йил шу харажатни 25 процент камайтирамиз.

Терим даврида қўл меҳнатининг кўп сарфланиши пахта таннархининг ошишига сабаб бўлаётир. Шунинг учун биз бу йил ўзимиз етиштирадиган пахтанинг 75 процентини машина билан териб олиш учун ҳозирдан тайёрлик кўраяпмиз. Ғўза парваришини мана шунга мослаштириб ўтказаяпмиз.

Пахтани машина билан териш учун ғўза нормал ўсган бўлиши, ювлаб кетмаслиги лозим. Бу, сувчиларга боғлиқ. Шунинг учун звеномиз сувчилари А. Йўлдошев, Б. Мирзараҳимов, Б. Сулаймонов ўртоқлар ғўзани сифатли суғормоқдалар. Биз ўз олдимизга пахтанинг таннархини камайтиришни асосий мақсад қилиб қўйган эканмиз, ана шунга яраша ишлаб, албатта, ўз мақсадимизга эришамиз.

Ҳосил тақдири сувчининг қўлида

Абдуваҳоб ҚУЧҚОРОВ,

Андижон районидаги «Юқори ҳосил» колхозининг звено бошлиғи

Мен бошлиқ бўлган звенонинг 22 гектар ери бор. Мақсадимиз катта, ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил олиш ва давлатга салкам 100 тонна пахта етказиб бериш учун бел боғлаганмиз.

Звено аъзолари бу йил ҳар қачонгидан кўра уюшқоқлик билан ишлаб, барча майдонларда белгиланган миқдорда кўчат бўлишини таъминладилар. Ғўзани қизил поча қилмай, ўз вақтида ягана қилиб олдик. Озиқлантириш культивация билан бирга қўшиб ўтказилди. Ҳозир ғўзанинг иккинчи парвариши қизғин давом этмоқда.

Пахтачиликда сувчиларнинг роли катта эканлиги ҳаммамизга аён. Колхозчилар ва механизаторларнинг астойдил қилган меҳнатларини юзага чиқарадиган ҳам сувчи, уларнинг яхши ишларини зойи кетказадиган ҳам сувчи. Шунинг учун сувчи ишнинг кўзини билиб ишламаса ва масъулиятни сезмаса мўл ҳосилга путур етказади. Шу туфайли ҳам мен звеномизда ўзим сувчилик қилаяпман. Баъзи кишилар ғўза яхши чанқамай туриб, кетма-кет сув қўяверадилар. Бундай қилиш бефойда. Агар одам чанқаб туриб, сув ичса бадани яйрайди. Усимликка ҳам ўз вақтида сув берилса яхши ривожланади, ҳосил тўплайди, пахтаси вақтида пишади. Ҳамма ерга бир текис сув берилса, ғўза ҳам бир текис ва кўнгилдагидек авж олади. Ғўзани пушта бостириб, кўллатиб суғориш зарарли. Биз ўз олдимизга қўйган мақсадга эришиш учун ғўзани тўғри суғоришга катта эътибор бермоқдамиз. Бу, шубҳасиз, пахтадан мўл ҳосил олишни таъминлайди.

Суратда: Андижон районидаги «Юқори ҳосил» колхозининг звено бошлиғи ўртоқ Абдуваҳоб Қўчқоров насос билан сув чиқарладиган карталардаги ғўзаларни қондириб суғормоқда.

Бу саҳифани Андижон область «Коммунист» газетасининг ходими Т. Маҳмудов ва «Тошкент ҳақиқати» газетасининг махсус мухбири Б. Халилов уюштирганлар.

Суратда: Чинобод районидаги «Ленинград» колхозининг ўртоқ Эрқул Натанов бошлиқ трактор-далачилик бригадасида иккинчи культивация ўтказилмоқда. Бу бригадада 155 гектар ердаги ғўза икки томонлама парвариш қилинибб, гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашилмоқда.

А. Воропаев фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(БОШИ БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ БЕТЛАРДА)

Минбарда Шофрикон район Денов қишлоқ Советидаги Сталин номли колхоз комсомол комитетининг секретари, комсомол-ёшлар маккажўхори етиштирадиган бригадасининг раҳбари **Очилбой Мўминов**. У, қишлоқ ёшларининг юксак ватанпарварлиги ҳақида гапиради. Мамлакатнинг донгдор механизаторлари Александр Гиталов ва Николай Мацуковскийлардан ўрнак олган Мўминов бригадаси маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, бу йил 50 гектар ердаги маккажўхоридан икки марта ҳосил олишга, ҳар гектардан 1000 центнердан кўк поя ва 35 центнердан дон етиштиришга сўз берган.

— Мен Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумини ишонтираманки,— дейди ўртоқ Мўминов,— биз жамоат чорвачилигини ривожлантириш планини муваффақиятли бажариш ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Ўзбекистон КП Наманган область комитетининг секретари **А. Тоиров** областда бу йил чигит экиш уюшқоқлик билан, қисқа муддатда ўтказилганлиги, режа сими билан квадрат-уллаб экиш топшириғи оширий бажарилганлиги, экин майдонининг асосий қисмида ғўзага икки томонлама ишлов берилажаги ҳақида гапиради.

— Аммо,— дейди ўртоқ Тоиров,— ғўза қатор ораларига ишлов беришда баъзи районларда жуда ташвишли аҳвол юз бермоқда. Уларда кўпгина майдонда ҳали тўла гектар таъмин этилмаган, ола жойларга чигит экиш тугалланмаган, кўпгина далалар бегана ўтлардан тозаланмаган.

Фарғона пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадалари экинларга ишлов беришдаги камчиликларни аниқлаш билан бирга, бу камчиликларни қандай қилиб тез орада тугатиш ҳақида ҳам қимматли фикрлар бердилар. Ҳозир экинларга ишлов бериш сезиларли даражада яхшиланди ва бу ишларни сифатли ўтказиш учун бўлган талабчанлик кучайди.

Нотиқ областдаги колхоз ва совхозларда трактор-далачилик бригадаси ҳаракати кенг авж олиб боравётганлиги ҳақида гапириб, уларга амалий ишда ҳартомонлама ёрдам бериш зарурлигини уқтириб ўтади.

Ўртоқ Тоиров Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги адресига бир қанча танқидий гапларни айтади. У уқтириб ўтдики, министрлик муҳим объектларни битказишни орқага сурмоқда, янги ўзлаштирилган ерларда қурилган суғориш ва мелиоратив тармоқларини яхши ҳолда бўлишини таъминлаш ҳақида ҳеч қандай ғамхўрлик кўрсатмайди.

Ўзбекистон КП Бухоро область комитетининг секретари **А. Ризаев** пахта етиштиришни кўпайтиришда асосий резерв ҳамма майдонда ҳосилдорликни орттириш, кам ҳосилли колхоз ва совхозларни илғорлар қаторига етказишдан иборат эканлигини айтади. Область партия ташкилоти, дейди у, ўз олдига 1959 йилда областда гектаридан 20 центнердан кам ҳосил олаётган биронта колхоз, совхоз, бригада, бўлим бўлмаслигини таъминлаш вазифасини қўйди. Бунга эришишда пахтачиликни максимал даражада механизациялаштириш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу соҳада бу йил анчагина ишлар қилинди. Кўкламги экин экиш ишлари уюшқоқлик билан, сифатли қилиб ўтказилди. Лекин, май ойининг биринчи ўн кунлигида бўлган қаттиқ шамол натижасида кўпгина майдондаги экинлар зарарланди ва бу, катор ораларига ишлов беришда қўшимча қийинчиликлар туғдирди. Ҳозир экинларга ишлов беришни кучайтириш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

Ўртоқ Ризаев жамоат чорвачилигини ривожлантириш масалаларига тўхталиб, областда ҳозир чўчқачилик ва паррандачиликни ривожлантириш масаласига, молларни семиртиришга катта эътибор берилаётганлигини айтади. Ҳозир областнинг ҳамма колхозларида чўчқачилик фермалари ташкил қилинган. Зарафшон дарёси бўйидаги кўлмак сувлардан ўрдак ва ғозларни кўпайтириш учун фойдаланилмоқда. Қуйимозор сув омборида ўрдакчилик хўжалиги ташкил этилди. Ҳамма колхоз ва совхозларда ғўшт учун жўжа ва курка боқиш йўлга қўйилди.

Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Областда маккажўхори ва оқжўхори етиштириш учун 150 та махсус бригада тузилди. Яқинда маккажўхори эккан бригадалар бошлиқларининг область кенгаши ўтказилди. Кенгашда Шофрикон районидаги машҳур жўхорикор бригадир Мўминовнинг иш тажрибалари ўрганилди ва оммалаштирилди.

Ўртоқ Ризаев қоракўлчиликка эътиборни кескин кучайтириш зарурлиги ҳақида гапиради. Областдаги кўпгина яйловларга сув чиқарилмаган, шунинг учун улардан фойдаланилмайди. Қоракўлчиликни ривожлантириш манфаатлари қоракўл етиштирадиган хўжаликларни йириклаштириш ва ихтисослаштиришни, яйловлардан унумли фойдаланишни талаб қилади. Энди Бухоро областида қоракўлчилик масаласи бўйича илмий-текшириш базасини тузиш зарурияти туғилди.

Минбарда донгдор механизатор **В. Тюпко.** У ўз сўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кучайтириш зарурлигини, қўл меҳнати ва маҳсулот таннархини камайтиришга фақат комплекс механизациялаштириш асосидагина эришиш мумкинлигини уқтириб ўтади. Бу, дейди у, бизнинг тўла-тўкис фойдаланишимиз керак бўлган асосий резервимиздир.

Ўртоқ Тюпко ўз бригадасининг иши тўғрисида гапириб бундай деди: бригадага бириктилган ҳамма майдонга чигит симни ўзи кўчириб турадиган қозиқ ёрдамида квадратуялаб экилди ва у тез кунда бир текисда яхши униб чиқди. Ғўзага биринчи ишлов бериш цикли тамом бўлди. Бригада жуда кам меҳнат сарфлаб ҳар гектардан 30 центнердан пахта етказиш мажбуриятини олди. Агар ўтган йил ҳар гектар ерга 27,2 иш-куни сарфланган бўлса (бу энг кам сарф эди), бу йил бир гектарга 20 иш-куни сарфланиб, бир центнер пахта етиштириш учун 7—8 иш-соати кетди халос. Етти йилликда бригада пахта етиштиришга бўлган сарфларни кескин даражада қисқартиради ва бу сарфларнинг Америка Қўшма Штатларида пахта етиштиришга бўлган сарфлардан беш марта кам бўлишини таъминлайди. Ўртоқ Тюпко айтдики, бригада етиштирган пахтанинг ҳаммаси машинада териб олинади. Бу ишда илғор механизаторлар бой тажриба орттирдилар. Муҳими шуки, пахтани машинада териб олишга ҳозирнинг ўзиданоқ ҳамма ерда тайёргарликни кучайтириб юбориш керак.

— Бригадамиз, — дейди ўртоқ Тюпко, — Марказий Комитет Пленумини ишонтириб айтадики, биз машҳур механизаторлар Кенжаев ва Гиталовлар бригадалари билан бўлган социалистик мусобақада голиб чиқиш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қиламиз.

Ўзбекистон КП Қорақалпоғистон область комитетининг секретари **Н. Маҳмудов** автоном республика меҳнаткашлари етти йиллик планни муддатидан илгари: пахта, жун, сут, қорақўл тери етиштириш бўйича беш йилда; шоли, сабзавот, картошка, қовун, тарвуз етиштириш бўйича уч йилда; тухум етиштириш бўйича икки йилда; ғўшт етиштириш бўйича олти йилда бажариш мажбуриятини олганликлари ҳақида гапиради. Баъзи колхоз ва совхозлар бундан ҳам юксак мажбуриятлар олмоқдалар. Етти йилликнинг биринчи йили — 1959 йилги мажбуриятлар каттадир. Шу туфайли нотиқ қишлоқ хўжалик ишларининг боришини таҳлил қилиб беради. Кўпгина хўжаликлар бу ишларни тез суръат билан олиб боравётган бўлсалар-да, аммо умуман Қорақалпоғистон бўйича олиб қараганда бу соҳада, айниқса чигитни текис ундириб олишда жиддий аҳвол юз берди. Бир қатор район, айниқса Чимбой, Қўнғирот, Шуманай, Кегейли район раҳбарлари юз берган хотиржамлик кайфиятининг олдини олмадилар. Область партия комитети, совет органлари дала ишлари суръатини, хусусан ғўза қатор ораларида ишлаш суръатини тезлатиш учун зарур тадбирларни кўрмоқдалар.

Ўртоқ Маҳмудов бошқарув идораларининг аппаратини янада такомиллаштириш ва арзонлаштириш, жумладан республика Сув хўжалиги министрлиги ва машина-экскаватор станцияларини қайта тузиш лозимлиги ҳақида гапиради.

Ўзбекистон КП Сурхондарё область комитетининг секретари **О. Ҳакимов** пахтачиликни юксалтиришда прогрессив методларни кенг жорий қилиш катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапиради. У айтадики, областдаги колхоз ва совхозларда трактор-далачилик бригадалари сони бу йил 1958 йилдагига нисбатан 5 марта кўпайди. Кетмонсиз ишланадиган майдон миқдори икки баравар ортди. Кўпчилик майдондаги пахтани машинада териб олишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. «Хазорбоғ» совхози бу йил пахта етиштиришни батамом механизациялаштиради. Тўғри алмашлаб экишни амалга оширишга эътибор кучайди. 3-4 йил ичида областдаги ҳамма колхоз ва совхозлар алмашлаб экишга кўчадилар.

Шундан кейин Ўртоқ Ҳакимов экинларга ишлов беришни яхшилаш соҳасида кўрилаётган чоралар, Қашқадарё область пахтакорлари ўзаро текшириш бригадасининг таклифларини амалга ошириш юзасидан қилинаётган амалий ишлар, шунингдек областда чорвачиликни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини камайтириш учун кураш изчиллик билан, тинмай кучайтирилажагини айтди.

Ўртоқ Раҳмонов Хоразмда қиғоқ-ҳимоя тўғонларини ремонт қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича механизациялашган доимий база ташкил қилиш масаласини кўтаради. Шундагина,— дейди у,— жуда кўп колхозчиларни шу ишларга жалб қилишдан халос бўлиш мумкин.

Н. С. Хрушчев ва А. И. Микоян Австрия саноат виставкасини бориб кўрдилар

Москвада, Горький номидаги Марказий маданият ва истироҳат парки территориясида бир ҳафтадан буён Австрия саноат виставкаси ишлаб турибди. Виставка совет кишилари ўртасида катта қизиқиш туғдирди. Виставка очилгандан буён ўтган кунлар ичида уни 250 мингдан ортиқ киши келиб кўрди.

18 майда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян Австрия саноат виставкасига бордилар. Марказий павильонга кирабергаида уларни Австрия савдо ва тикланиш министри Фриц Бок, Австриянинг СССР даги элчиси Норберт Бишофф кутиб олдилар. Бу ерда СССР Министрлар Совети Давлат илмий техника комитетининг раиси Ю. Е. Максарев, Бутуниттифоқ савдо палатаси президиумининг раиси М. В. Местеров, СССР Ташқи савдо министрлигининг ходимлари ҳам бор эдилар.

Н. С. Хрушчев ва А. И. Микоян Австриянинг 240 фирмаси томонидан қўйилган экспонатларни тамоша қилдилар. Меҳмонлар Дунай пароходчилиги, сифатли пўлатлар, Капрун ГЭСига бағишланган стендлар олдида тўхталдилар, станоклар, машиналар билан, Австрия тўқимачилик саноати томонидан чиқарилаётган товарлар билан қизиқдилар. Бу ерда анча миқдорда экспорт қилинади. Австрия Федерал савдо палатасининг вице-президенти Фриц Майкс изоҳлар бериб турди. Н. С. Хрушчев ва А. И. Микоян фирмаларнинг вакиллари билан суҳбатлашдилар.

— Биз, Австрия товарларини сотиб оламиз, чунки уларнинг сифати ёмон эмаслигини биламиз, — деди Н. С. Хрушчев.

Очиқ майдончада Н. С. Хрушчев ва А. И. Микоян Австрия томонидан Совет Иттифоқига етказиб берилаётган компрессорлар, бензин колонкалари, гидравлик двигателларига эътибор қилдилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев матбуот вакилларининг саволига жавоб қайтариб, бундай деди:

— Биз, министр жанобларига, виставка ташкилотчиларига ва фирмаларнинг вакилларига ўз фикримизни айтдик. Виставкага қўйилган товарлар ва экспонатлар тўғрисида бизда жуда яхши таассурот қолди. Биз ўз мутахассисларимизга Совет Иттифоқи учун қизиқиш туғдира оладиган товарларни тегишли суратда ўрганиб чиқишни таклиф қиламиз, токи ана шу товарлар учун Австрияга заказлар бериш учун келишиб олиш мумкин бўлсин. Яхши буюмлар яратган ва уларни Москвадаги виставкага юборган ишчилар, инженерлар, хизматчилар ва фирмаларнинг раҳбарларига ўз миннатдорчилигимизни билдиришни истаймиз. Бу — бизнинг Австрия билан амалий алоқаларимизни кенгайтиришга ва шу билан бирга тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Австрия халқига бизнинг энг яхши истакларимизни топширишингизни сўраймиз. (ТАСС).

Н. С. ХРУШЧЕВ Хиндистон министрлари сардор Сваран Сингхни ва Манубхай Мансукхлал Шахни қабул қилди

19 майда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Москвада меҳмон бўлиб турган Ҳиндистон Пўлат, ер ости бойликлари ва ёқилғи министри сардор Сваран Сингхни ва Ҳиндистон Саноат министри Манубхай Мансукхлал Шахни қабул қилди ҳамда улар билан суҳбатлашди.

Суҳбат вақтида: Ҳиндистон томонидан — Ҳиндистоннинг СССР даги Элчиси К. П. Ш. Менон ва Совет томонидан—СССР Министрлар Советининг Ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитети раиси С. А. Скачков, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Г. М. Пушкин ва СССР нинг Ҳиндистондаги Элчихонасининг иқтисодий маслаҳатчиси В. А. Сергеев ҳозир бўлдилар.

Суҳбат дўстона ва самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

СССР ёзувчиларининг учинчи съезди

18 майда СССР Ёзувчилари учинчи съездининг Максим Рильский раислиги остида ўтган кечки мажлисида Ревизия комиссияси раиси Ю. Лебединскийнинг доклади тингланди.

Шундан кейин музокаралар бошланди.

Ёзувчи О. Гончар айтдики, съездлар ўртасидаги давр Украина ёзувчилари учун катта ижодий меҳнат қилиш даври бўлди. Ана шу вақт ичида Украинада бир ярим мингта китоб нашр қилинди. Ўртоқ Гончар қардош адабиётларни ривожлантиришга кўпроқ эътибор бериш зарурлигини уқтириб кўрсатади.

— Теварагимизда, ҳамма ерда келажакнинг ажойиб куртаклари ўсмоқда, — дейди П. Бровка. — Бўлар коммунистик меҳнат бригадалари, халқ маданият университетлари, халқ театрларидир. Бизнинг бурчимиз халқнинг илҳомбахш ҳаётини, унинг ижодкор меҳнатини кўрсатиб беришдан иборатдир.

Хитойнинг машҳур ёзувчиси Мао Дунь хитой адиблари номидан съездга қизғин салом топширади. У айтдики, сўнгги ўн йил ичида Хитойда совет адабиёти қарийб 82 миллион нусха босиб чиқарилди. Мао Дунь хитойлик дўстларнинг совғаси бўлган суратни, шунингдек совет ёзувчиларининг хитой тилига таржима қилинган китобларини топширди.

Кечки мажлисда Ф. Панферов, М. Иброгимов, С. Михалков ҳам сўзга чиқдилар.

* * *

19 майда Катта Кремль саройининг мажлислар залида СССР ёзувчиларининг учинчи съезди ўз ишини давом эттирди. Эрталабки мажлисда Л. Соболев раислик қилди.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан И. Абашидзе (Грузия) кейинги йилларда грузин адабиётида катта ўзгаришлар рўй берганлигини таъкидлади. Ҳозирги замон темаси грузин ёзувчиларининг асарларида етакчи ўрин эгаллади. Биз,—деди у,— келажакка интилиши жиҳатидан перспектив деб аташ мумкин бўлган бизнинг съездимиз ҳозирги вақтда ҳамма қатлам адиблари олдида турган катта ижодий вазифаларни ҳал қилишда ёрдам беради, деб умид қиламиз. Шунингдек, Ўртоқ Абашидзе совет китобхонларининг кейинги йиллардаги ғоят катта маънавий ўсиши ҳақида, бу ўсиш китобхонларга ва қаҳрамонона замонамизга муносиб асарларни яратиш ишида ёзувчилар зиммасига катта масъулият юклаганлиги ҳақида гапиради.

А. Салинский (Москва) ўз нутқини драматургияга бағишлади. Ёзувчиларимизнинг энг яхши драматик асарлари, — революцион эҳтирос ва катта фикр асарларидир. Бу асарлар олға даъват этади, бу ҳаракат йўлларини кўрсатиб беради. Нотиқ совет драматургларининг кўпгина пьесаларида ана шу ажойиб ҳусусиятлар етишмаётганлигини айтди. Кўпинча,— деди А. Салинский,— биз салбий персонажларга кўпроқ эътибор бериб ижобий образни, ҳозирги замон қаҳрамони образини йириклаштиришдан қўрқамиз.

Сўнгра К. Яшин (Ўзбекистон) сўзга чиқди. Бундан 25 йил муқаддам, — деди у, — ўзбек адабиёти романлар ва бошқа йирик асарлар яратиш йўлида биринчи қадамларни қўяётган эди. Ўша даврдан бери оз вақт ўтди. Лекин республика ёзувчилари миллий адабиётни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар. Сўнгра Ўртоқ Яшин Коммунистик партия томонидан совет халқи олдига қўйилган улуғвор планлар муносабати билан ўзбек адабиёти олдида турган вазифаларга тўхталди.

А. Проковфьевнинг (Ленинград) сўзидан кейин съезд қатнашчилари поляк ёзувчилари делегациясининг раҳбари Я. Ивашкевични самимий кутиб олдилар. У съездга қарата табрик нутқи сўзлади. (ТАСС).

ЁШ ЛЕНИНЧИЛАР БАЙРАМИ

19 майда Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида пионер фанфараларининг овозлари, қувноқ ашула садолари эрталабдан жаранглай бошлади. Республиканинг ёш ленинчилари В. И. Ленин номли пионер ташкилоти туғилган шонли кунни катта байрам деб билиб, шодиёна нишонладилар.

Ёш ленинчилар томонидан безатилган республика пойтахти байрам кунида жуда кўркам эди. Парклар, маданият саройлари, стадионлар болаларнинг ихтиёрига бериб қўйилди. Бу ерда пионер ва мактаб ўқувчиларининг фестиваллари, оммавий ўйинлар, болалар бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концертлари, спорт мусобақалари ўтказилди, ёш техникларнинг ва бошқа тўгараклар қатнашчиларининг ишлари кўрсатилди.

Кечқурун В. И. Ленин номли майдонда Тошкентдаги пионер дружиналарининг тантанали слети бўлди. Тўпланганларни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Б. Мирахмедова, шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Р. Мусахонова пионер ташкилотининг юбилейи билан қизғин табрикладилар. Улар ёш ленинчиларга сиҳатсаломатлик, ўқишда ва пионер ишларида муваффақиятлар тиладилар, пионерлар бундан буён ҳам Коммунистик партия, совет халқи талаб қилганича яшайдилар ва ўқийдилар, деб ишонч билдирдилар.

Пионер дружиналари саф-саф бўлиб майдондан ўтадилар. Ёш ленинчилар оталарча ғамхўрлик учун, бахтиёр болалик учун Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига чин қалбдан ташаккур айтадилар.

Майдонда традицион пионер гулхани ёқилди. Гулхан олдида шаҳардаги болалар бадиий ҳаваскорлигининг энг яхши коллективлари концерт бердилар, ўйинлар ва рақслар уюштирилди, пионер қўшиқлари янгради. (ЎзТАГ).

Ташқи ишлар министрларининг Женева кенгашида

ЖЕНЕВА, 18 май. **(ТАСС махсус мухбири).** Ташқи ишлар министрларининг А. А. Громико раислигида ўтган бугунги мажлисида биринчи бўлиб Германия Демократик Республикаси Ташқи ишлар министри Лотар Больц сўзга чиқди.

Л. Больц ўз сўзида Ғарбдаги уч давлатнинг шу давлатлар делегациялари номидан АҚШ давлат секретари К. Гертер тақдим этган таклифларига нисбатан ҳам, Германия билан тузиладиган сулҳ шартномасининг СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико томонидан 15 майдаги мажлисда асослаб берилган лойиҳасига нисбатан ҳам ўз ҳукуматининг тутган позициясини баён этиб берди.

Германия Демократик Республикаси делегацияси,—деди у,—Германия билан тузиладиган сулҳ шартномасининг Совет Иттифоқи томонидан тақдим этилган лойиҳаси ҳам, Ғарбий Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш плани ҳам бизнинг тинчликни таъминлаш ҳақидаги талабимизга ва, демак, немис халқининг миллий, манфаатларига, шунингдек Европадаги барча халқларнинг тинчлик йўлидаги интилишларига принцип эътибори билан мос бўлиб тушади, деб ҳисоблайди.

Германия Демократик Республикаси делегацияси, деб таъкидлади Л. Больц пировардида, немис халқининг сулҳ шартномасига бўлган сўзсиз ҳукуқини баён этиш учун ушбу кенгашда қатнашмоқда ва у сулҳ конференциясини тезликда чақиришни Европа марказида мустаҳкам тинчликка эришиш йўлидаги муҳим қадам деб ҳисоблаганлигини яна таъкидлайди.

Л. Больцдан кейин сўзга чиққан К. Гертер Германия билан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги совет таклифи ҳақида бир неча умумий мулоҳазаларни айтди.

К. Гертер ўз нутқини тамомлагандан кейин, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико баёнот берди.

АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматларининг таклифи, — деди А. А. Громико, — кенгашимизнинг муҳокамасига тақдим этилган. Бу таклифда кўп масалалар, чунончи Германияни қайтадан бирлаштириш, Берлин, хавфсизлик, Германия масаласини тинч йўл билан ҳал қилиш шунингдек қуролсизланиш масалалари, яъни шу кенгашда муҳокама қилиш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келинган масалалар, шунингдек ана шу масалаларга тааллуқли бўлмаган проблемалар бир-бирига боғлиқ қилиб қўйилган.

А. А. Громико сўзини давом эттириб, бундай деди: Шарқ билан Ғарб ўртасидаги қарама-қаршиликларни бирин-кетин йўқотиш ўрнига, уч давлатнинг планида ана шу қарама-қаршиликлар чигал бир тугун қилиб қўйилган. Ғарб давлатларининг таклифларида Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва Берлин масаласи Германияни бирлаштиришга боғлиқ қилиб қўйилганлигининг ўзи ҳам ана шу планнинг уйдирма план эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги шароитда Германиянинг бирлиги қариийб ўн йил мобайнида мустақил тараққиёт йўлини ўтган ҳар иккала герман давлати ўртасидаги битишув натижасидагина барпо қилиниши мумкин. Совет ҳукумати, — деди А. А. Громико, — бошқа йўл йўқ эканлигини ва бўлиши мумкин эмаслигини бу ерда ҳам таъкидлаб ўтишни зарур деб ҳисоблайди.

А. А. Громико тўрт давлатнинг Германия масаласини ҳал этиш ва Германияни қайтадан бирлаштириш учун жавобгарлиги тўғрисида кенгашда айтилган гапларга тўхталиб, бундай деди: Германия масаласини ҳал этиш учун тўрт давлат зиммасига муайян жавобгарлик юкланади. Тўрт давлатнинг бурчи — Германия билан сулҳ шартномасини тайёрлаш ва тузишни таъминлашдан иборат. Ҳозирги шароитда бу нарса тўрт давлатнинг Германияни бирлаштириш ишига қўшган энг самарали ҳиссаси ҳам бўлур эди. Шу билан бирга тўрт давлат ҳар иккала герман давлатини бир-бири билан яқинлаштиришга ва Германиянинг бирлигини тиклаш йўллари тўғрисида уларнинг бамаслаҳат бир фикрга келишларига ёрдам бера олур эди. Совет делегациясининг фикрича, — деди СССР Ташқи ишлар министри,— тўрт давлатнинг тегишли мажбуриятлари сулҳ шартномасининг қўшимча моддалари ёки моддалари шаклида, ёхуд шартномага илова қилинадиган протокол шаклида расмийлаштирилиши мумкин бўлур эди.

А. А. Громико сўзининг охирида бундай деди: Демак, ғарб давлатлари тақдим этган план ўзаро мақбул қарорларни ишлаб чиқиш учун муҳокамага асос бўлаолмайди, чунки у, иккинчи жаҳон уруши оқибатларига узил-кесил ҳотима бериш вазифасини қўймайди, Германия билан сулҳ шартномаси тузишдан иборат энг муҳим ва энг актуал проблемани ҳал этишни номуайян вақтгача кечиктиради.

Планда Берлин масаласи ҳақида илгари сурилган таклифлар ҳатто муҳокама қилиш учун ҳам яроқли эмас, чунки бу план Ғарбий Берлинда оккупацияни сақлаб қолишнигина эмас, балки ана шу режимни бутун Берлинга ҳам жорий этишни кўзда тутади ва Германия Демократик Республикасининг элементар суверен ҳуқуқларига қарши қаратилган.

Шу билан бирга, — деди СССР делегациясининг бошлиғи, — уч давлат планининг турли қисмларида баён қилинган айрим қоида ва ғоялар сунъий равишда вужудга келтирилган комплексдан ташқари мустақил қараб чиқилганида уларни муҳокама қилса бўлади ва Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчев айтганидек, биз бунга қарши эътироз билдирмаймиз. Бунинг аксича, биз бир жойга тўпланиб, мақбул қарор қабул қилиш йўлини топишга тайёрмиз. Бу гап тўрт давлатнинг барча халқаро жанжалларни тинч воситалар билан бартараф қилиш ва агрессорга ёрдам бермаслик тўғрисидаги декларацияси каби, қуролсизланишнинг баъзи масалалари, қурол-яроғларни чеклаш зонасини белгилаш каби қоида ва идеяларга тааллуқлидир. Аммо мен такрор айтаманки, — деди А. А. Громико, — бизнинг кенгашимиз ўз эътиборини кечиктириб бўлмайдиган икки масалага — Германия билан сулҳ шартномаси тузиш тўғрисидаги ва Ғарбий Берлин ҳақидаги масалаларга қаратиши лозим.

Совет делегацияси, — деб таъкидлади А. А. Громико, — кенгашнинг барча қатнашчилари чинакам ҳамкорлик руҳида, томонларнинг манфаатларини чинакам эътиборга олиш руҳида иш кўрадиган бўлсалар, у ҳолда биз ўз ишимизда албатта олға силжий оламиз ва муваффақият қозона оламиз, деб бу ерда айтилган фикрга тамомила қўшилади.

А. А. Громиконинг нутқидан кейин мажлис ёпилди. Галдаги мажлис 19 майда бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша заллари да

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 20/V да **Холисхон**, 21/V да **Чин муҳаббат.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 20/V да **Жизель**, 21/V да **Зайнаб ва Омон.**

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун **Байжу Бавра**, кеч соат 5 ва 7 да **Мексика осмони тагида.**

«ВАТАН» — кеч соат 9-20 минутда **ЧП (Фавқулодда ҳодиса)** — 1 ва 2- серия.

«ОКТЯБРЬ» — кеч соат 9 да **Байжу Бавра**, кеч 10-40 минутда **Пароп.**

«ХИВА» — **Тана.**

«ИСКРА» (қишки) — 3-залда кундуз ва кечқурун **Саройлар ва кулбалар.** 1 ва 2- залда кеч соат 7 гача **Йўлимиз ажрамоқда**, кеч 7 яримдан **Хотиним куйлашни истайди.**

«ФЕСТИВАЛЬ», КАФАНОВ номли — **Йўлимиз ажралмоқда.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10, кундуз 12 да **Бэк Кап оролининг сири**, кундуз ва кечқурун **Тана.**

«САЛЮТ» — **Турли тақдир.**

«1 МАЙ» — **Ўғри ҳакка.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Инсон тақдири**, кундуз соат 2 ва кеч 5 яримда **Саройлар ва кулбалар.**

ПУШКИН НОМЛИ ПАРКДА 20 МАЙДА Совет Иттифоқи бўйлаб гастролга чиқиш олдидан **ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ ХАЙРЛАШУВ КОНЦЕРТИ**

Концертда: СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Тамарахоним** ва Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** қатнашади.

Програмада: жаҳон халқлари қўшиқлари, рақслари ва Хоразм халқ қўшиқлари.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Кисловодск кўчаси, 11- уйда турувчи **Ботир Қосимхўжаев**нинг Антипов кўчаси, 21- уйда турувчи Турсун Қосимхўжаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3- участка халқ судида кўрилади.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг махсуслаштирилган **«ЎЗСТРОЙМОНТАЖ» ТРЕСТИГА** Самарқанд, Фарғона ва Бухоро шаҳарларида қурилиш-монтаж участкаларининг бош инженерлари, ишлаб чиқариш-техника бўлимларининг бошлиқлари ва участка бошлиқлари вазифасида ишлаш учун: **инженерлар: сантехниклар, теплотехниклар, техниклар: сантехниклар, теплотехниклар** дипломли **газоэлектросваркачлар КЕРАК**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Тожик кўчаси, 3-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136, Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040,135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040.135 Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048,132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040, 50. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 05157. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1595.